Qaraqalpaq poeziyası XXI ásirdiń birinshi on jıllıǵında (2001-2012-jıllar) milliy sana-sezim hám ruwxıy ózlikti tereń ańlawǵa qaratılǵan jańa kórkem izleniwler menen ajıralıp turdı. Bul dáwirde shayırlar dóretiwshiliginde waqıt hám keńislik, tariyxıy hám zamanagóy pikirlew sisteması arasındaǵı ruwxıy dialog anıq kózge taslandı. Usınday estetikalıq baǵdarlardıń tiykarında insan hám jámiyet, ótmish hám búgini, qıyal hám real ómir qatnasıqların sáwlelendiretuǵın «Hayal» obrazı ózine tán kóriniske iye boldı.

Lirikadaǵı hayal obrazı tek ǵana qıyal hám oylawdıń jemisi emes, al milliy ruwxtıń, tariyxıy esteliktiń hám keleshekke isenimniń simvolı sıpatında kórinedi. Bul obraz arqalı shayırlar jeke shaxstıń ishki dúnyasın ulıwma milliy sana dárejesine kóteredi. Usı kózqarastan, Sh.Seytovtıń 1986-jılı basıp shıǵarılǵan «Hayal» qosıǵı hám B.Genjemuratovtıń 2011-jılı jazılǵan «Adam Ata hám Hawa Ana tuwralı gúrriń» qosıǵındaǵı «hayal» obrazın strukturalıq-germenevtikalıq jaqtan talqıǵa tartamız. Sebebi strukturalıq-germenevtikalıq tallaw tekstti eki dárejede qaraw imkaniyatın beredi. Birinshiden, strukturalıq analiz shıǵarmanıń kompoziciyalıq dúzilisin, qaharmanlar arasındaǵı múnásibetler hám waqıyalardıń izbe-izligin anıqlawǵa járdem beredi [Lotman YU.M., 2016.]. Ekinshiden, germenevtikalıq tallaw teksttegi filosofiyalıq, ruwxıy hám mádeniy mánisti ashıwǵa imkan beredi, qaharmanlardıń ishki psixologiyalıq dúzilisin túsiniwge jol ashadı [Golovko V.M., 2012.].

1980-jıllardıń ortaları sovet ideologiyalıq sisteması hálsirep, ádebiyattaǵı «ruwxıy erkinlik» dáwiri baslanǵan waqıt boldı. 1986-jılı qayta qurıw dáwiriniń ruwxıy burılısı sıpatında milliy ádebiyatlardıń da tereń oy-pikir hám tariyxıy sanaǵa burılıs alǵan dáwiri sıpatında belgili. Usı dáwirde qaraqalpaq poeziyası da shaxs hám tariyx, analıq hám Watan, hújdan hám ruwx máselelerin kórkemlik jaqtan jańasha talqılay basladı. Usı ruwxıy izlenislerdiń ayqın kórinisi Sh.Seytovtıń «Hayal» atlı qosıǵı [Ceyitov Sh., 1987. 24-25]. Shayır bul qosıǵında hayal obrazın tek ǵana náziklik hám muhabbat simvolı sıpatında emes, al pútkil xalıqtıń ruwxıy hám tariyxıy ótmishin sáwlelendiretuǵın mádeniy arxetip dárejesine kóteredi. Qosıqta strukturalıq jaqtan hayal - Watan, ómir - ólim, náziklik - mártlik sıyaqlı qarama-qarsı uǵımlar mazmunlıq hám formalıq strukturanı shólkemlestiriwshi sistema sıpatında berilgen. Al mazmunlıq jaqtan germenevtikalıq tereńlikke iye. Qosıqtıń ishki poetikalıq strukturası hám mánilik maydanı bir-birin tolıqtırıp, kórkemlik pútinlikti payda etedi.

Qosıqtıń ishki qurılısında analıq mehir, náziklik, urıstıń ashshı shınlıǵı hám milliy ruwx ideyaları bir-birine qarama-qarsı qoyılıp, tutas filosofiyalıq maydandı payda etedi.

Sonıń ushın bul shıǵarmanı strukturalıq dárejede: obrazlı sistema hám motivler arqalı, al germenevtikalıq dárejede: mádeniy, tariyxıy hám etikalıq mánilerdi túsindiriw arqalı tallaw ilimiy jaqtan oǵada nátiyjeli usıl bolıp tabıladı.

Shayır qosıǵın tómendegishe baslaydı:

«Qobız tolǵawına qulaq sal, endi,
Íshqı-pıǵanlarıń áylener bayan!..» [Seyitov Sh. 1987. - 24]

Bul qatarlar simvollıq shaqırıw, yaǵnıy oqıwshını mifologiyalıq keńislikke kirgiziwdiń kórkem usılı. Qobız - qaraqalpaqlardıń ruwxıy dúnyasında muqaddes nama hám jámáátlik yadtıń belgisi. Usı dáslepki intonaciyanıń ózi-aq qosıqtıń strukturalıq ırǵaǵın belgileydi: shayır «qıyal» arqalı xalıq ótmishiniń hawazına batıradı.

Qosıqta qarama-qarsı juplıqlar sisteması kórkem tárizde ayqın kórinedi. Shayır «Barshın», «Gúlshiyra», «Tumaris» sıyaqlı tariyxıy ham mifologiyalıq obrazlar arqalı hayal obraızıń kóp qırlı tábiyatın ashıp beredi:

«Gáhi Barshın bolıp, gáhi Gúlshiyra,
Gáhı perzent kútiw, gáhi yar kútiw...» [Seyitov Sh. 1987. - 24]

Bul qatarlarda hayal - ana, zayıp, kútiw simvolı sıpatında kórinedi, insaniy úmit hám ruwxıy sabır-taqat tımsalına aylanadı. Solay etip, strukturalıq dárejede tákirarlanatuǵın «gáhiy» sózi poeziyalıq ırǵaq hám ciklli simmetriyanı payda etip, teksttiń kompoziciyasında ayrıqsha wazıypanı atkaradı.

Qosıqtıń keyingi bóliminde ana obrazı tariyxıy tragediya menen tutasadı.

«Máyli Iskender me, Gitler me máyli,
Ósken máskanına ısqırtqan sadaq,
Ya ul, ya yarıńa tiymey qoymaydı,
Seniń dil-qálbińe islerin qadap!» [Seyitov Sh. 1987. - 24-25]

Bul jerde shayır strukturalıq qarama-qarsılıqtı kúsheytedi: «Iskender – Gitler» qarama-qarsılıǵı arqalı dúnyalıq jawızlıq hám analıq júrektiń máńgi qarama-qarsılıǵın sáwlelendiredi. Bul - ana ruwxı hám tariyxıy jawızlıqtıń dialektikalıq gúresi.

Strukturalıq kózqarastan, qosıqtıń mánisi hám ishki kompoziciyası tákirarlawlar hám antipodlıq qatarlardan quralǵan: qıyal – haqıyqatlıq, náziklik – qatańlıq, ómir – ólim, ana – Watan. Usı juplıq sistema qosıqtıń kórkemlik yadrosın uslap turadı.

Germenevtikalıq dárejede hayal obrazı arqalı millet táǵdirin sáwlelendiredi. Shayır hayaldı tek biologiyalıq yamasa turmıslıq kózqarastan emes, al ruwxıy hám tariyxıy substanciya sıpatında kórsetedi. Mısalı:

«Qálbiń tas emes-ǵo – aq jumaq paxta! –
Miytin bolar eken ol-hám qat-qabat! –
Qızıń ot ishinde shıńǵırǵan waqta,
Muzday qollarıńdı silikti avtomat!..» [Seyitov Sh. 1987. - 25]

Bunda náziklik hám qatallıqtıń sintezi kórinedi. Hayaldıń júregi «aq jumaq paxta», yaǵnıy, tábiyatı jumsaq, miyrim-shápáátke tolı, biraq sol názikliktiń ishinde qayǵı hám mártlik qatlamları bar.

Qosıqtıń juwmaǵında pikir shıńı kózge taslanadı:

«Seni jumsartıwdı oylasam bazda,
Kúlkiń jutandırıp gúlge teńeymen!
Liykin, «Ana jan! Dep, ishimnen aznap,
Seni «WATAN» deymen, «HAYAL» demeymen!..» [Seyitov Sh. 1987. 25]

Bul qatarlar qosıqtıń mánilik strukturasın juwmaqlaydı. Hayal obrazı bul jerde jekelik sheńberinen shıǵıp, millettiń ruwxıy simvolına aylanadı. Shayırdıń germenevtikalıq niyeti hayaldı «muhabbat ob'ekti» sıpatında emes, Watannıń metaforası sıpatında túsindiriw. Bul usıl arqalı lirikalıq tekst filosofiyalıq keńislikke ótedi: ana, jer, tariyx hám hújdan túsinikleri bir semantikalıq maydanǵa birlesedi.

Teksttiń poetikalıq kompoziciyası sheńberli (ciklli) xarakterge iye. Qosıqtıń basındaǵı qobız sesti hám aqırındaǵı Watanǵa aylanǵan hayal obrazı - poeziyalıq doǵanıń bası hám aqırı. Bul strukturalıq pútinlik qosıqtıń ishki úylesimliligin anıqlaydı hám onı taza emocional filosofiyalıq lirika dárejesine kóteredi.

«Hayal» qosıǵındaǵı hár bir simvol tek ǵana estetikalıq emes, al mádeniy-ruwxıy wazıypanı da atqaradı. Qobız - xalıqtıń ruwxınıń kórinisi, Barshın - sadıqlıq hám muhabbattıń arxetipi, Tumaris - mártlik hám azatlıq tımsalı, Osvencim bolsa global qayǵınıń belgisi. Bul kóp qabatlı simvolika qosıqtı tek ǵana milliy emes, al adamzat dárejesindegi kórkem tekstke aylandıradı.

Sh.Seytov poeziyalıq struktura arqalı máni hám forma pútinligin saqlap, germenevtikalıq keńislikte «hayal» túsinigin jańa mádeniy sapaǵa kóteredi. «Hayal» usı tárizde qaraqalpaq lirikasında ruwxıy shıdamlılıq hám analıq mártliktiń universal koncepciyasın ashqan kórkem shıǵarma bolıp tabıladı.

Sh.Seyitovtıń «Hayal» qosıǵı XXI ásirdiń dáslepki on jıllıq poeziyası ushın da ideyalıq hám kórkemlik jaqtan fundament wazıypasın atqaradı. Shayırdıń bul qosıǵında ana hám Watan, tariyx hám yad, ruwx hám sana bir pútin poeziyalıq sistemaǵa aylanıp, xalıqtıń dúnyatanımınıń tereń qatlamların ashıp beredi. B.Genjemuratovtıń 2011-jılı jazǵan «Adam Ata hám Hawa Ana tuwralı gúrriń» qosıǵında Jaratılıstaǵı dáslepki er adam menen hayaldı súwretleydi. Qosıqta adamzat tariyxınıń baslanıwı filosofiyalıq jaqtan súwretlenip, Hawa Ana obrazı tek ǵana muhabbat obyekti emes, al insaniyattıń ruwxıy hám ádep-ikramlılıq baslaması sıpatında qaralǵan. Mısalı:

Sen – Adam emesseń! Hawa Anasań!
Bir erdiń aldında bir er dize búkpes.
Janlarım, aldıńızda basımdı iyemen.
Bul jaqtı dúnyada Sizler Adam emes,
Al Hawa bolǵanıńız ushın súyemen!.. [Genjemuratov B. 2024, - 155]

Bul úzindide hayal adamzat ushın Jaratılıstıń sawǵası, turmıstıń mazmunı sıpatında súwretlenedi. Hawa Ana obrazı arqalı qosıqta hayaldıń tek sezimniń yamasa gózzallıqtıń simvolı emes, al insannıń ruwxıy jetilisiwine sebepshi tiykar ekeni kórsetiledi. Yaǵnıy, hayal obrazı adamzat tariyxınıń baslanıwı sıpatında usınıladı. Ol tek ǵana emocional yamasa estetikalıq simvol emes, al insan hám Quday arasında baylanıstı ornatıwshı shaxs. Bul jaǵınan qosıq tek mifologiyalıq emes, al filosofiyalıq áhmiyetke iye: er menen hayaldıń baylanısı muhabbat hám ruwxıy jetilisiwdiń baslaması sıpatında súwretlenedi.

Qosıqta Adam ata hám Hawa Ana arasındaǵı múnásibet tek ǵana muhabbatqa tiykarlanbaǵan. Ol insaniyattıń morallıq hám ruwxıy rawajlanıwın sáwlelendiredi. Hawa Ana insanǵa ómir baǵdarın beretuǵın, morallıq principlerdi qáliplestiretuǵın simvol. Adam obrazı bolsa dáslep óziniń roli hám wazıypasın túsinbegen, biraq Hawa Ana arqalı ruwxıy jetilisken qaharman sıpatında kórinedi.

Júregi, bawırı hám ókpesine
Shanshıldı ıshqı atlı úsh altın iyne…
Súyip jasaw, Kúyip jasaw, keshirip jasaw! [Genjemuratov B. 2024, - 155]
Jeti qat aspannan keldi bir Saza:
«Bul – Hawa Ana!.. Ol – Hawa Ana!..
Gúl – Hawa Ana!..» [Genjemuratov B. 2024. – 155]

Bul qatarlar hayaldıń adamǵa ruwxıy tásir kórsetiw qábiletin, onıń insaniyatqa tek ǵana muhabbat emes, al ómirlik baǵdar beretuǵın kúsh ekenin kórsetedi.

Qosıqta til quralları arqalı hayal obrazınıń statusın joqarılatadı. Arxaizmler hám epikalıq elementler, simvolizmler arqalı Hawa Ana insaniyat ushın muqaddes shaxs sıpatında kórsetiledi. Kompoziciyada bul obraz aqırǵı bólimge shekem tiykarǵı filosofiyalıq oray sıpatında saqlanadı. Qosıqta emocionallıq hám simvollıq qatnas júredi.

Qosıqta Adam ata hám Hawa Ana arasındaǵı qatnas strukturalıq jaqtan tiykarǵı kósher sıpatında jaylastırılǵan. Adam obrazın Hawa Ana arqalı biliw procesi qosıqtıń mazmunınıń hám pútinliginiń tiykarǵı orayı bolıp tabıladı. Germenevtikalıq dárejede Hawa Ana obrazı tek ǵana muhabbat obyekti emes, al ruwxıy baslama, adamzattıń morallıq hám etikalıq jetilisiwiniń nıshanı sıpatında oqıladı.

Hayal obrazınıń evolyuciyası Sh.Seytovtıń joqarıdaǵı qosıǵı menen B.Genjemuratovtıń atalǵan qosıǵı menen salıstırǵanda ayqın kórinedi. Eger Sh.Seytovta hayal obrazı kóbinese árman hám sezimniń simvolı sıpatında sociallıq missiya júkletilse, B.Genjemuratovta Hawa Ana adamzat tariyxındaǵı áhmiyetli shaxs sıpatında qaraladı. Bul tek ǵana lirikalıq obrazdıń filosofiyalıq, morallik dárejege kóteriliwi sıpatında túsindiriledi.

Bul tek ǵana qaraqalpaq lirikasındaǵı hayal obrazınıń keńeyiwi emes, al sociallıq-filosofiyalıq tereńliktiń qáliplesiwiniń ayqın kórinisi bolıp tabıladı.

Salıstırmalı analiz kórsetkenindey, «hayal» obrazı evolyuciyalanıp, subyektiv emocional obrazdan ǵárezsiz, ruwxıy kúshke iye, insanıylıq mazmunǵa tolı shaxsqa aylanǵan. Bul process házirgi zaman qaraqalpaq poeziyasında hayal obrazın súwretlewdiń tereńligin, onıń ruwxıy hám sociallıq rolin jańa basqıshqa kóterilgenin dálilleydi.

ÁDEBIYATLAR:

1. Генжемуратов Б. Абыржы. – Нөкис: Bilim, 2024.
2. Головко В. М. Герменевтика литературного жанра: учебное пособие / В.М.Головко. – М.: Флинта; Наука, 2012. – 184 с.
3. Лотман Ю.М. Структура художественного текста. Анализ поэтического текста. – М.: Азбука, 2016. – 704.
4. Сейтов Ш. Жоллар. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1987. – 156 б.

QARAQALPAQ POEMALARÍNDA RITORIKALÍQ ÚNDEWLERDIŃ QOLLANÍLÍWÍ HÁM KÓRKEMLIK XÍZMETI

(I.Yusupovtıń «Dala ármanları», K.Raxmanovtıń «Shól dástanı», T.Mátmuratovtıń «Urıs dártleri» poemaları mısalında)

Sayımbetov Sh.U.

Ózbekstan Respublikası Ilimler akademiyası Qaraqalpaqstan bólimi Qaraqalpaq gumanitar ilimler ilim izertlew institutı, Nókis qalası

Qaraqalpaq poemalarınıń qurılısında lirikalıq qaharman hám personajlar tilinen bayan etilgen oy-keshirmelerdiń kórkemligin, emocional tásirsheńligin arttırıwǵa hám olardıń ózine tán lirizm menen kórkem súwretleniwine xızmet etken stilistikalıq figuralardan biri ritorikalıq úndew bolıp tabıladı. «...Ritorikalıq úndew – kórkem shıǵarmada oqıwshılardıń dıqqatın awdarıw, qaharmanlardıń ishki ruwhıy jaǵdayların beriw, lirizmdi kúsheytiw ushın qollanılatuǵın sintaksislik-stillik usıl» [1, 178] esaplanadı. Ol ritorikalıq sorawlarǵa jaqın keledi, biraq, ritorikalıq úndewde belgili bir nárseden tásirlengen avtor yaki qaharman tereń oyǵa berilip ketpesten, óziniń ishki keshirmelerinde pisip jetilisken oy-pikirlerin ekilenbesten anıq aytadı. Sonlıqtan da, ritorikalıq úndew, ritorikalıq sorawlardan da kóbirek oqıwshı dıqqatın ózine qaratıw ushın súren, shaqırıq, árman, tilek mazmunına iye bolıp keledi. Máselen, I.Yusupovtıń «Dala ármanları» hám T.Mátmuratovtıń «Urıs dártleri» poemalarında bayanlanǵan ritorikalıq úndewlerge itibar qaratsaq:

Azımshıq jer emes aspan astı da,
Mine qara! Ushı qıyırsız dalań!...

...Gorizont! Balalıq qıyallarımnıń,
Alıs mánzilleri sırlı jiyegi!
Seniń qızıl tuwday boyawlarıńnıń
Ǵıjlap janıwların kewlim súyedi [5, 92] - dep súwretlengen I.Yusupovtıń «Dala ármanları» poemasındaǵı ritorikalıq úndewler, tiykarınan, dıqqat-itibardı Ústirttiń sheksiz

keń dalasına hám jer menen aspannıń sırlı shegarası bolǵan dala gorizontına qaratıw mazmunında súwretlenip, olar poemada shayırdıń qıyalıy oy-ármanların rawajlandırıwǵa túrtki jasaǵan poetikalıq obektler sıpatında kórkem sáwlelengen bolsa, T.Mátmuratovtıń «Urıs dártleri» poemasınıń:

Qáne meniń qolım bolǵanda,
Temirlerdi qayıstırar em!
Men de barıp partaw tıńlarǵa,
Eginge jer qayıstırar em!

Qáne meniń ayaǵım bolsa,
Qayra-qayra jerdi basar em!
Barar edim qayaǵıń bolsa,
Eller gezip zeyin ashar em!

Qanday jaqsı tilim bolǵanı!
Hásiretimdi ayta alaman,
Meniń elim oraq-balǵalı,

Biraq isley almay janaman [2, 112] - degen qatarlarında sóz etilgen ritorikalıq úndewler, kóbirek, arzıw-árman hám tilek mánisinde súwretlenip, olar ekinshi jáhán urısında ayaq-qolınan ayırılǵan urıs mayıbınıń kemtar ruwxıy dúnyasın ashıwǵa hám onıń ishki qálbindegi ármanlı oy-keshirmeleriniń kórkem tásirli súwretleniwine xızmet etken.

Ritorikalıq úndewlerde sózler kóteriŋki ruwhta, kúshli intonaciya menen aytıladı. Bul sıyaqlı ritorikalıq úndewler kórkem shıǵarmada dramatizmdi kúsheytiwge óz járdemin tiygizedi. Biz sóz etip otırǵan shayırlar da ritorikalıq úndewdiń usınday kórkemlik xızmetlerinen sheber paydalanıp, óz poemalarında qıyalıy hám obektiv personajlar tárepinen aytılǵan sózlerdi ótkir dramalıq pafosta súwretlewge erisip otırǵan. Máselen:

Men - Shólmen!
Tańlayım tamshıǵa inkar,
Giyaǵa oranıp jatqım keledi.
Ana - jer namısı bawırımdı untar,
Kán dáryası bolıp aqqım keledi!

Men - Shólmen!
Neshshe ásir dawıllar jolın
Uyıtqıp kómip, táǵdir menen tirestim,
Bir esitsem dedim, tıńlasam dedim:
Sıńǵırlasıp aqqan suwlardıń sestin!

Men - Shólmen!
Adamǵa bawırım jazıq.
Keń kókirek janlar turqımdı ólsher.
Atam zamanlardan jatqan qulazıp
Men - Shólmen,
Men - Shólmen,
Men - Shólmen,
men - Shól! [3, 71]

K.Raxmanovtıń «Shól dástanı» poemasınan alınǵan bul qatarlarda shayır ritorikalıq úndewler járdeminde Ellikqala massivindegi qulazıǵan shól dalanı tilge keltirgen hám onıń qıyalıy obrazın jaratıp, kóp ásirlik arzıw-ármanları menen ishki debdiwleriniń kóterińki intonaciya, kúshli dramalıq pafos penen sóz etiliwin támiyinlep ǵana qoymay, poema qurılısında lirizm menen dramatizmdi de kúsheytiwge erisken.

«Ritorikalıq úndewler soraw yamasa intonaciya xarakterine iye bolıp, adamnıń soraw, quwanısh, jerkenish, qorqınısh, hayran qalıw, iltimas, buyrıq, talap mánisindegi ishki sezimlerin súwretlew ushın xızmet etedi. Sonıń ushın da, olar poeziyada kóp qollanıladı» [4, 261] - dep atap kórsetilgenindey, ritorikalıq úndewler I.Yusupov, K.Raxmanov, T.Mátmuratovlardıń poemalarında da jiyi qollanılıp, obektiv qaharmanlardıń ishki kewlindegi hár qıylı tuyǵı-sezimlerin kórkem tásirli etip súwretlew wazıypaların da atqarǵan.

Ulıwma juwmaqlastırıp aytqanda, joqarıda biz sóz etken shayırlardıń poemalarında ritorikalıq úndewler qaharmanlarǵa tiyisli sózlerdiń, olardıń tilinen bayanlanǵan ishki oy-keshirmelerdiń kóterińki intonaciya menen emocional súwretleniwine járdemlesip, poema qatnasıwshılarınıń xarakterlik ózgeshelikleriniń kórkemlik penen ashılıwına óz tásirin tiygizgen. Ásirese, olar poemalarda lirikalıq hám dramalıq elementlerdi kúsheytip rawajlandırıwda sátli qollanılıp, emocional tuyǵı-sezimlerdi ótkir lirizm menen sáwlelendiriwdiń kórkemlik usılına aylandırılǵan.

ÁDEBIYATLAR:

1. Ахметов С., Есенов Ж., Жәримбетов Қ. Әдебияттаныў атамаларының орысша-қарақалпақша түсиндирме сөзлиги. – Нөкис: Билим, 1994. – Б.178.
2. Мәтмуратов Т. Арзыў шәмени. Қосықлар ҳәм поэма. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1981. - Б.112.
3. Рахманов К. Өмир, сен уллысаң. Қосықлар ҳәм поэмалар. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1981. - Б.71.
4. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 261.
5. Юсупов И. Тумарис ҳәм басқа поэмалар. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1974. – Б. 92.

IKROM OTAMUROD SHE'RIYATIDAGI YETAKCHI IJTIMOIY MOTIVLAR

Jumaeva S.Ch.
Alfraganus universiteti, Toshkent shahri

Taniqli shoir Ikrom Otamurod she'riyatida ijtimoiy mavzuning etakchi o'ringa chiqishi undagi an'anaviy obrazlarga ijtimoiy mazmun yuklanishi bilan alohida mohiyat kasb etadi. "*Ijtimoiy dard – deb yozadi adabiyotshunos D.Quronov – ijodkorning shaxsiy dardiga aylanmasa, ijodkor o'sha dardni chinakamiga qalbidan kechirmasa, ..."yalang'och ijtimoiylashuv" yuzaga keladi. Sho'ro davri adabiyotining eng katta fojiasi ham shu edi. Totalitar tuzum barchaning birdek o'ylashini taqozo etgandiki, bu narsa jamiyatda shaxs maqomining susayishi, jumladan, ijodkor shaxsining emirilishiga olib keldi. Natijada ko'plab asarlarda ijtimoiy dard ijodkorning qalb qozonida obdon qaynamasdan, faqat rasmiy mafkuraning badiiylashtirilgan ifodasi bo'lmish shiorbozlikka to'la she'rlar, hayotni rasmiy mafkura ko'zi bilan ko'ruvchi, tasvirlovchi va baholovchi (garchi "sotsialistik realizm" namunasi sanalsa-da, realizmdan tamomila yiroq) epik asarlar yaratildi."* [1;30]. Ikrom Otamurod she'riyatida ustuvor ko'rinish olgan *ijtimoiy dard,* uning "Sopol siniqlari" nomli dostonida yaqqol bo'rtib turadi. Doston mazmunida musta'bid tuzum oqibatlari, millatparvar, sofdil Vatan farzandlarining qatag'on qilinishi, vatanidan, xalqidan judo qilingan, Sibir muzliklarida, qamoqxonalarida ayanchli azob-uqubatlar ichra yolg'izlik girdobiga mahkum bo'lgan millat qahramonlari timsoli gavdalanadi.

Unda Xayolot dunyosiga g'arq bo'lgan lirik qahramon osoyishta va chekka joy – yolg'izlikdan qo'nim topadi. *"Ikki tavaqasi o'ksikvasiniq Xotira eshigiga umid ila"* boqarkan, o'zini yolg'iz olamda yolg'iz sezadi. Asardagi Holat ramzining adabiy-estetik va ijodiy-ruhiy omillarini anglash imkonini beruvchi misralar ham fikrimizni tasdiqlaydi:

Yolg'iz olamda yolg'izman,
Ruhim ostonasida turar
yolg'izlik.
Ko'rishar –
Umid ila Xotira eshigin
Ikkitavaqasi.
O'ksikvasiniq ikkitavaqasi [2;74].

Kishining umidlari amalga oshmasa, ko'ngli o'ksiydi. O'ksigan ko'ngil esa xotiraga beriladi. Ammo xotira uni xursand qilolmaydi. Chunki *Xotira–ko'hna hasrat, qadriyatlar sho'rboylagan, zorlar poylar ostida g'ichirlagan, to'rg'aylar ko'zidan jolasiriqqan, qilichlar damidan nola to'kilgan, orzularni shamollar quritgan,*

oftob volaso‘lini simirgan bir tarzda lirik qahramonning ëlg‘izlik iztirobi sababiyatini ochiqlaydi. Shundan shoirning ko‘ngli naqadar katta bir iztirobga esh bo‘lib azoblanadi:

Sopol siniqlari – ruhim ildizi.
Xotira:
Tuproqning suyaklari,
Oyning gullolasi,
qo‘zigulqadog‘idantomizg‘i – shudring,
sho‘r boylaganqadr,
poylar ostidag‘i chirlaganzor,
to‘rg‘aylar ko‘zidan siriqqan jola,
qilichlar damidan to‘kilgan nola,
shamollar quritgan orzu,
oftob so‘linsimirgan vola [5;90].

Ikrom Otamurod she’riyati bilan tanishish jarayonida shoir yolg‘izlik obrazining badiiy va ijtimoiy salmoqqa ega yana bir qator ma’nolarini ochishni maqsad qilganini ko‘ramiz. Xususan, shoir o‘zini qiynagan dard manzarasini ham yolg‘izlik suratida ko‘radi. Jumladan, “Sen” nomli she’rida ruhiyatning aqlga bo‘ysunmaydigan evrilishlari – tovlanishlari-yu qayroqi badiiy tafakkurini shunday tasvirlaydi:

Sen – yolg‘izlik kabi jimjit.
Sen –yolg‘izlik kabi go‘zal...
Sen – yolg‘izlik kabi g‘amgin..
Sen – yolg‘izlik kabi yolg‘iz...
Sen – yolg‘izlik kabi.
Sen – yolg‘izlik...
Sen – ... [6; 24].

Ikrom Otamurod yolg‘izlik falsafasi talqinida dono xalqimiz yaratgan maqol va matallardan, iboralardan juda oqilona va san’atkorlik bilan foydalanadiki, natijada shoir tilga olgan maqollar qayta boshdan she’riy umrini o‘tay boshlaydi. Masalan,“*Kambag‘alning yolg‘iz qo‘zisiga qashqir tegar.”* [7;99] kabi misralar “Yolg‘iz otning changi chiqmas, changi chiqsa ham dong‘i chiqmas” tarzidagi xalq maqoliga mazmunan yaqinligini ko‘rish mumkin. Ta’kidlash joizki, ayni o‘rinlarda shoir folklorizmlarning analitik turidan, uning oddiy ham da murakkab ko‘rinishlaridan juda o‘rinli foydalangan.

Ikrom Otamurod she’riyatidagi ijtimoiy g’oyalarni ifodalovchi etakchi motivlardan yona biri sukutdir. Shoir bu obrazning ijtimoiy mohiyatini yoritishda uning botiniy belgi va jozib ko‘rinishlariga alohida e’tibor qaratadi:

... Sukutga qarab,
sukutni yutib,
sukutda qotib,
hammasini o‘stirar
g‘animaton...
...Darig‘o!..
...Darig‘o!!.
...Darig‘o!!! [5;151]

Aytish joizki, Ikrom Otamurod she’riyatida sukut oddiy tushuncha emas, balki u qalbdaneyuzbersa shuni so‘zlaydigan, tozalab beradigan Vaqtning aslini, tillasini ajratib olishga madad beruvchi Mahak toshi singari muhim ahamiyatga ega obraz. Shu boisdan, shoir sukutqa’ridagi o‘z ijtimoy qarashlarini faqatgina ikromona uslubda mahorat bilan badiiy so‘zning qudrati ila yorqin tarzda ifodalaydi. Shoir sukut ta’rifida shunday yozadi:

Men sevgan so‘z – mangu sukutga ketib,
Yoningda jimgina uz-o-oqtikilish...[2; 36].

Shoir to‘plamlaridan birini “Sukut sadosi” deb nomlagan. Kitob haqida “*Bir og‘riqkanglumda qadrostlar*” nomli so‘z boshi yozgan M.Mirzo o‘quvchi diqqatini quyidagilarga qaratadi*: “Kitobga bejiz “Sukut sadosi” deb nom berilmagan. Bu ikki so‘zda Ikrom Otamurodning ichki olami, tabiati mujassam. Bu sukutni his qilmoq, tinglash, anglash kabi ruhning katta ehtiyoji mavjud. Bu sukut o‘shahadsizolamning, bepoyon kangul diyorining ramzidir. Unga etishmoq yo‘lida biz uchun qalb tarjimon va shu qalbgina bizga borlig‘ini namoyon etayotgan sohirko‘ngil uchunchintilmochbo‘la oladi, xolos. Bu sukut mohiyatida intilish va kutish, parvoz va munavvar manzil, gul va ifororasi, nur zarralari mohiyatidagi muqaddas yorug‘likbor. U hamisha oydinlikka, munavvar ruh olamiga poklik olamiga yog‘du berayotgan ulug‘ musaffolikka, imonziloliga intiladi”* [6;7]. Shoirning mazkur to‘plamdan joy olgan shu nomdagi she’ri sukut obrazining ramziy ma’nosini muayyanlashtirish barobarida shoir she’rlarining g‘oyaviy mundarijasini an’anaviy sukut obrazi tevaragiga jamlaydi:

...Sukut–
Rizoli kalomati emas,
Inkortarzi ham emasdir,
Sukut–
Rumiy dilidagi qush:
“Ichindagi ichindadur” [6; 62].

Bir qarashda, sukutning ma’nosi bir-birini inkor etayotgandek ko‘rinadi, (*...Sukut–rizoli kalomati emas, inkortarzi ham emasdir,*) lekin ayni holatda uning tub mazmuni umumiylik kasbetadi. Sukut obrazining poetik ma’no ko‘lamini yanada aniqroq belgilab, umumlashtirish uchun she’rning navbatdagi bandlariga e’tibor qaratamiz:

Ruhning maydonida armonlarahgar,
Ruhning yo‘llarida sargardon bardosh.
Sukut–
Ruhda ko‘klagan javhar,
sukut–
ruhdan tomchilagan yosh [6;62].

Hadsiz, chegarasizolam sahnida shoir o‘ziga ma’naviy-ruhiy ehtiyoj sezadi va uni sukunat bag‘ridan topishga urinadi. Biroq ruhiyat maydonida armonlar ahgar, ya’nilahchacho‘g‘, sargardon bardosh... Shundan shoir ruhiy poklanishga, ma’nan yuksalishga qodir bezavol ma’naviy qudrat – sukutga *ruhda ko‘klagan javhar, ruhdan tomchilagan yosh,* deya ta’riflar beradi:

Ta’malar to‘qiydi shirin xushomad,
Shovqinlar sabrni kemirar channon.
Sukut–
ta’malarga yonbermagan mard,
sukut–
shovqinlarga sanchilgan sinon [6; 62].

Nihoyatda ta’sirchan bu holatni o‘z o‘quvchisiga izohlar ekan, shoir davrning ildamlab borayotgan ziddiyatli ruhi – *ta’malar ortidagi shirin xushomad* lardan iztirob chekadi*, sabrni kemiruvchi shovqinlar*dan *channon* beziydi. Shunda najot–Sukut – *ta’malarga yonbermagan mard, shovqinlarga sanchilgan sinon,* ya’ni, nayza bo‘lib bo‘y ko‘rsatadi.

Sukut–
o‘zingga o‘zing duch kelmoq gali,
birqurbdirki–
o‘zingni tinglash [6; 63].

Misralarida shoirning sukut obraziga yuklagan poetik ma’nosi yanada mukammallashib, teranlashib, tadrijiylikning o‘ziga xos yuksak darajasiga etganligini his etamiz: inson faqat sukunatdagina – o‘zi bilan o‘zi yolg‘iz qoladi. Faqat o‘zi yolg‘iz qolgandagina o‘zini tinglaydi, to‘g‘risini aytadi, hatto eng yolg‘onchi odam ham haqiqat va Haqqa yuzlashadi. Zero, insonning o‘zi bilan o‘zining suhbati o‘y-xayolidan o‘tgan gaplaridir. Sukut obrazining poetik ma’no qatlamlari shu bilangina chegaralanib qolmaydi. Chunki shoirning butun she’riyatiga tegishli an’anaviy poetik so‘zlar guruhida bu obrazni hoyatda faol qo‘llaniladi. Shu boisdan ham shoiri jodida bu obraz serqatlam mazmun va ijtimoiy salmoqqa ega. Ko‘p hollarda misralar mazmuni aynan shu obrazga tayanadi. Ayni jihatlar shoir ijodining badiiy jihatdan yuksak saviyaga ega ekanligidan dalolatdir.

Xulosa qilib aytganda, zamonaviy o‘zbek she’riyatining etakchi vakili Ikrom Otamurod she’riyatida ijtimoiy mavzuning etakchi o‘ringa chiqishi undagi an’anaviy obrazlarga

ijtimoiy mazmun yuklanishi bilan alohida mohiyat kasb etadi. Shoir asarlaridagi har bir so‘z zamirida uning falsafiy qarashlari o‘ziga xos tarzda namoyon bo‘ladi. Ijtimoiy dard bo‘rtib turuvchi har bir asarida shoir kishining yaxshilikka intilishi, yomonlikdan saqlanishi, aql bilan ish tutishi, shukronalik bilan hayot kechirishi kerakligini uqdiradi.

ADABIYOTLAR:

1. Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. – T.: Xalq merosi, 2004.
2. Ikrom Otamurod. Tavr. – T.: Yangi asr avlodi, 2005.
3. Ikrom Otamurod. Xaritaga tushmagan joy. – T.: Sharq, 2011.
4. Ikrom Otamurod. Sen // She’rlar va doston. – T.: Qatortol-Kamolot, 1999.
5. Otamurod Ikrom. Huviyyat. – T.: Yangi asr avlodi, 2019.
6. Otamurod Ikrom. Sukut sadosi. – T.: Adabiyot, 2021.

ЯПОН БОЛАЛАР АДАБИЁТИНИНГ РИВОЖИДА ЖУРНАЛЛАР ҲАМДА ГАЗЕТАЛАРНИНГ ЎРНИ

Қосимова Г.Б.

Тошкент давлат шарқшунослик университети, Тошкент шаҳри

Япон болалар адабиёти, яъни болалар учун катталар томонидан яратилган, бадиий ва тарбиявий вазифаларни уйғун ифодаловчи адабиёт, ўзининг шаклланиши ва такомиллашувида ихтисослашган даврий нашрлар – журналлар ҳамда газеталар фаолияти билан узвий боғлиқ бўлган. Бу нашрлар жанрлар тизимини белгилаш, янги бадиий услубларни синовдан ўтказиш ва миллий болалар маданиятини шакллантиришда ҳал қилувчи омил сифатида намоён бўлди.

Мэйжи ислоҳотига (1868) қадар Японияда болалар учун мўлжалланган адабиёт асосан ксилография усулида босилган иллюстрацияли китоблар – (халқ эртаклари) ва 絵 (расмли китоблар) шаклида мавжуд бўлган. Бироқ мунтазам болалар насри фақат Мэйжи давридан кейин ривожлана бошлади [CollinsW.O.,2014. – 30-49].

XIX асрнинг иккинчи ярмида амалга оширилган модернизация жараёнлари болалар маданиятининг институционал ривожланишини рағбатлантирди ва натижада журнал ҳамда газеталар фаолияти йўлга қўйилди [菅忠道, 1983. – 427]. Шу билан бирга, 1872 йилда мажбурий таълим тизимининг жорий этилиши болалар учун мўлжалланган адабий материалларга бўлган талабни сезиларли даражада оширди [CollinsW.O.,2014. – 51].

Бу даврдаги илк болалар журналларидан айримлари қуйидагилар эди: (“Ёшлар боғи”, 1888) – болалар ҳикояларига ихтисослашган илк нашр бўлиб, инглиз тилидаги Little Folksжурнали асосида яратилган [WilliamsK.H., 2013. – 118];

国 (“Кичкина фуқаро”, 1889); (“Япон йигити”, 1889).

Айнан (“Япон йигити”) журнали орқали машҳурликка эришган (“Хакубункан”) нашриёти кейинчалик 学 (“Ёшлар адабиёти тўплами”) номли туркумни нашр эта бошлади. Ушбу тўпламнинг биринчи жилди – Ивая Сазанаминнинг「こがね丸」 (“Коганэмару”, 1891) асари – япон болалар адабиётининг амалий бошланиши [菅忠道, 1983. – 427] сифатида эътироф этилган. Асарнинг катта муваффақияти натижасида 24 жилддан иборат тўплам яратилган бўлиб [犬飼和雄, 1989. – 7-25], у янги адабий анъананинг пойдеворини қўйган эди.

Шу билан бирга, журналлар хорижий адабиёт таржималарини ҳам фаол нашр эта бошладилар. Масалан, Вакамацу Шизуконинг「小公子」 (Кичкина лорд Фаунтлерой, 1890-1892) романи 学雑 (“Аёллар журнали”) саҳифаларида босилиб, япон болалар насрида роман жанри ва христиан ахлоқий ғояларини киритган илк намуна [菅忠道, 1983. – 427] сифатида муҳим аҳамият касб этди.

Тайшё (1912-1926) давридаги ижтимоий ва иқтисодий эркинлик муҳити болалар журналларининг янги босқичда ривожланишига туртки берди. Бу даврда 少女 (“Қиз”, 1913), 少年倶楽部 (“Ёшлар тўгараги”, 1914) ва 良友 (“Яхши дўст”, 1916) каби нашрлар кенг ўқувчилар орасида катта шуҳрат қозонди.

1918 йилда Сузуки Миэкичи томонидан таъсис этилган 赤い鳥 (“Қизил қуш”) журнали япон болалар адабиётида янги эстетик йўналишни бошлаб берди [菅忠道, 1983. – 427]. Унинг асосий мақсади болалар учун юксак бадиий даражага эга, маънавий соф асарлар яратишдан иборат эди [CollinsW.O.,2014. – 58].

“Қизил қуш” ҳаракати ўша даврдаги мафкуравий ва тарбиявий руҳда ёзилган заиф ҳикояларга қарши эстетик ва маънавий реакция сифатида майдонга келди.

Журнал орқали 童話 (болалар эртаклари) ва 童謡 (болалар қўшиқлари) жанрлари янги босқичга кўтарилди. Унда Акутагава Рюноскэнинг「蜘蛛の糸」 (“Ўргимчак толаси”) ва Аришима Такэонинг 「一房の葡萄」(“Бир шингил узум”) асарлари чоп этилди [菅忠道, 1983. – 427].

Шёва даврининг (1926-1989) илк босқичи оммавий матбуотнинг жадал ўсиши билан бирга давлат мафкураси таъсиридаги идеологик назоратнинг кучайиши билан тавсифланади. Масалан, 少年倶楽部 (“Ёшлар тўгараги”, 1914) журнали 1929-1934 йилларда ойига ўртача 642 000 нусхада тарқатилиб, болаларни императорга садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашни мақсад қилган [Collins W.O.,2014. – 53].

Шу даврда пролетар болалар адабиёти ҳам шаклланди. 無産者新聞 (“Пролетар газетаси”) нашрининг コドモノセカイ (“Болалар дунёси”) рукни таъсирида生活童話(“ҳаёт эртаклари”) жанри вужудга келди[菅忠道, 1983. – 427]. Бу асарлар болалар ҳаётини реал ижтимоий ҳақиқат асосида тасвирлашга интилган, аммо кўп ҳолларда цензура билан чекланган.

1941 йилда ташкил этилган 日本小国民文化協会 (“Япон кичик фуқаролар маданияти уюшмаси”) болалар адабиётини давлат назорати остига олди. Унинг 小国民文化 (“Болалар маданияти”) журнали уруш ғояларини улуғловчи ва қурбонлик

мафкурасини тарғиб этувчи асарларни чоп этди.

Иккинчи жаҳон уруши якунлангач, япон жамиятида демократик қадриятлар устувор бўлиб, болалар адабиётида ҳам инсонпарварлик, эркин фикр ва маънавий тикланиш ғоялари илгари сурилди.

1946 йилда 100 дан ортиқ янги болалар журнали ташкил этилди [CollinsW.O., 2014. – 88-104]. Улар орасида 赤とんぼ (“Қизил ниначи”, 1946-1948) журнали алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у “Қизил қуш” анъаналарини давом эттирган ҳолда меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик ва маънавий поклик ғояларини тарғиб этди. Бироқ янги авлод визуал маданиятга, яъни манга (漫画) комиксларига кўпроқ қизиқиш билдиргани сабабли, анъанавий журналлар оммавийликни йўқотди [CollinsW.O., 2014. – 89-104].

Шу билан бирга, 1960 йилда Исии Момоко ва Ватанабэ Сигэо иштирокида ташкил этилган 子どもと文学 (“Болалар ва адабиёт”) журнали япон болалар адабиётида илк бор илмий-таҳлилий ёндашувни жорий этиб [CollinsW.O.,2014. – 102-103], соҳанинг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишига асос солди.

Шундай қилиб, XIX аср охиридан то XX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган даврда журналлар ва газеталар япон болалар адабиётининг барча босқичларида илк бадиий асарлар яратилишидан тортиб, Тайсё давридаги адабий янгиланишлар, уруш йилларидаги идеологик йўналиш ва урушдан кейинги тикланиш жараёнларигача марказий ўринни эгаллади. Улар фақат адабий жараёнларни ифодаловчи восита эмас, балки янги авлод дунёқарашини шакллантирувчи, маънавий мулоқотни таъминловчи ва миллий эстетик онгни ривожлантирувчи асосий маданий институт сифатида болалар адабиётининг илмий ва институционал пойдеворини мустаҳкамлади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Collins W. O. Japanese childrens historical fiction up to 1983: a critical assessment of its place within Japanese childrens literature. Diss. Loughborough University, 2014.

2. Williams K.H. Visualizing the Child: Japanese Children’s Literature in the Age of Woodblock Print, 1678-1888. Harvard university. 2013.

3. 犬飼和雄「文体から見た日本児童文学の誕生」. 社会労働研究, 35(3・4), 1989. – pp.7-25.

4. 菅忠道「菅忠道著作集」第1巻日本の児童文学. あゆみ出版. 1983. - 427 p.

“DEVONI SA’DIY” MANBALARI TASNIFI

Sattorova D.O.
Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti, Toshkent shahri

Sa’dulla to‘ra ibn Said Abdullaxon to‘ra –Sa’diyning adabiy merosi jamlangan lirik asarlar O‘zRFA Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti asosiy fondida 909/2, 7092, 6681/1 raqamlari bilan saqlanmoqda. Quyida ushbu manbalarning monografik tavsifini berib o‘tamiz:

909/2 raqamlimanba. دیوان سعدی(Devoni Sa’diy). Ushbu qo‘lyozma to‘q yashil rangli karton bilan muqovalangan. Qo‘lyozma ustida uchta o‘yma naqsh bor. Asosiy matn qora siyohda, g‘azallar qizil siyohda raqamlangan. Kitob hoshiyasida ham shoir she’rlaridan na’munalar ko‘chirilgan. Qo‘lyozma 1^b-sahifadan boshlanib 325^b-sahifada yakunlanadi. Ushbu manbaning o‘lchami 27x17,5 sm. Mazkur qo‘lyozmada Sa’diy lirik asarlari qatorida Sultoniy, Sodiq, G‘oziy, Asad kabi shoirlarning she’rlari ham jamlangan. Qo‘lyozma matni “*Bismillohir-Rahmonir-Rahimdan*” so‘ng “*Sayyid Muhammad Nosir To‘ra zayyada umura al-mutaxxallis bo Sultoniy ibni Sayyid Muhammadyor Sayyid Muhammad Rahim Baxodirxoni soniy doma va davlatuhu va shavkatuhu*” sarlavhasi bilan boshlangan. Ushbu manba Sultoniyning quyidagi matla’li g‘azali bilan boshlanadi:

Zihi qodirki sun’idin qilib arz-u samo paydo,
Jahon bog‘idaqildiyuz tuman nash-u namopaydo.

Sa’diy she’rlari esa mazkur qo‘lyozmaning 92^b-sahifasida*“Sayyid Sa’dulla To‘ra zida umruhu al mutaxxallis bi-s-Sa’diyibni Sayyid Abdullo To‘ra zida umruhu ibn uho tamnishon Sayyid Muhammad Rahim Bahodirxon soniy domadavlatuhu.”*sarlavhasidan so‘ng quyidagi g‘azal matlasi bilan boshlanadi:

Zihi sone’kisun’ig‘aoningyo‘qdur adad paydo,
Xirad gafikretargazotipokini ne had paydo.

Qo‘lyozmaning 92^b-113^b sahifalar oralig‘ida shoirning raqamlangan holatda 102 ta g‘azali ko‘chirilgan. 113^b sahifadan esa Sa’diy muxammaslari boshlanadi. Shoir muxammaslari quyidagi band bilan boshlanadi:

Forig‘o‘lmadidahrningolomasqomibila,
O‘znimashg‘uletmayinuqbosaranjomibila,
Korim o‘ldikecha-kunduzxalqikromibila,
Vahkiumrimbo‘ldizoye’ barchaelkomibila,
Bodayi nob o‘rnig‘axunobaoshomibila.

Sa’diyning 113[a]-114[b]sahifalar oralig‘ida 7 bandli *“Forig‘o‘lmadidahrningolomasqom ibila”*, 114[b]-115[a] sahifalar oralig‘ida 9 bandli *“ZihiQodirkiaylabdahr aro sun’iajabpaydo”*, 115[a-b]sahifada 9 bandli *“Bu dam aylab manga bazmim aro tarkisitamkelgil*”, 116[a] sahifada 5 bandli *“Ma’shuqg‘abuko‘nglumixushetdirabilmam*”, 116[a-b]sahifada 5 bandli *“Tez etarda rdimo‘tinhusningaoroberushing”*, 116[b]-117[a] sahifalarda 7 bandli *“Borib ul yorijonoldig‘a man zor”*, 117[a-b] sahifada 5 bandli *“Holimajavr-u sitamlarniravoko‘rmaknedur?”*, 117[b]-118[a]sahifalaroralig‘ida 7 bandli *“Bihamdillah, mani mahzung‘alutfibehisobaylab”*, 118[a]-119[a] sahifalar oralig‘ida 7 bandli *“Ey ko‘ngul, yuzyilg‘irohatbirdamig‘aarzimas”* misralari bilan boshlanuvchi 9 ta muxammasi garaqamqo‘yib ko‘chirilgan. Aslida muxammaslar soni bundan ham ko‘proq. Chunki 114[a-b] sahifa hoshiyasida 7 bandli *“Lutf etib manga bu dam jomivaslingehsonqil”,* 114[b]-115[a] sahifalarida 7 bandli *“Zihialtofi Haq bo‘lmish mani bechorag‘ahamdam”*, 115[a-b] sahifalarda 7 bandli *“Zihisariririsolatuzraerurse nshoh”*, 115[b]-116[a] sahifalar oralig‘ida 7 bandli *“Aylar erdimorzu ul chashmifattonmujdasin”* misralari bilan boshlanuvchi 4 ta muxammas ko‘chirilgan.

Qo‘l yozmaning 119[a] sahifasidan shoir musaddaslari ko‘chirilgan. Musaddaslar quyidagi band bilan boshlanadi:

Alo, ey shohio dil, koni irfon,
Jahon adlingdino‘ldibog‘-u bo‘ston,
Saxo-vu adlila, eyshohidavron,
Qilib sen olamahlin shod-u xandon,
Siza lutfaylabon, eykoniehson,
Muborakaylagayto‘yingni Yazdon.

119[a-b] sahifada bitta va 119[a] -120[a] sahifalar hoshiyasida yana 2 ta musaddas ko‘chirilgan. Jami musaddaslar soni 3 ta. Birinchi *“Alo, eyshohiodil, koniirfon”*va ikkinchi *“Salom ul sarvigulruxsorimizg‘a”* misralari bilan boshlanuvchi musaddaslar 7 band, uchinchi *“Soqiyo, qo‘ymayko‘nguldazarradekarmonimiz”* misrasi bilan boshlanuvchi musaddas esa 5 banddan iborat.

119[b] sahifadan 120[b] sahifalar oralig‘ida shoirning 11 bandli *“To jahonborinchabo‘lg‘ay ul shahi-shohonimiz”* misrasi bilan boshlanuvchi musabba’si ko‘chirilgan. Mazkur musabba’ quyidagi band bilan boshlanadi:

To jahon borincha bo‘lg‘ay ul shahi shohonimiz,
Uldurur taxti xilofatda Skandar shonimiz,
Ham adolat osmonida mahi raxshonimiz,
Jud ila baxshishda misli Hotami davronimiz,
Yurtumiz uzra hamesha jaddimiz, xoqonimiz,
Shoh bizning shohimiz,sulton bizning sultonimiz,
Davr bizning davrimiz, davron bizning davronimiz.

Shoirning ikkinchi 7 bandli *“Ey taxti adolat uzra sulton”* misralari bilan boshlanuvchi musabbasi 120^{b}-121^{b} sahifalar oralig‘ida ko‘chirilgan bo‘lib, quyidagi band bilanboshlanadi:

Ey taxti adolat uzra sulton,
Dargohinga mehr-u mohdarbon,
Tobe’ sanga bo‘ldi jumla jonon,
Mehri ruxing o‘ldichunnamoyon,
Zarrotongabu jism ilajon,
Bu zor-u hazing‘alutfetibon,
Vasling mayini onga karamqil.

121^{b} sahifadan Sa’diyning masnaviylari ko‘chirilgan. Sa’diyning birinchi masnaviysi 121^{b}-123^{a} sahifalar orasida ko‘chirilgan bo‘lib, 49 baytdan iborat. U quyidagi bayt bilan boshlanadi:

Oning ismi bilan omim binosi,
Ki yo‘qdur vasfining hech intihosi.

123^{a}-124^{a} sahifalar orasida ko‘chirilgan ikkinchi masnaviy 37 baytdan iborat bo‘lib quyidagicha boshlanadi:

Sano ul Xudoyimg‘a bo‘lsun nisor,
Kamin bandasidur bari tojdor.

Shu alohida takidlash kerakki, ushbu masnaviy 909/2, 8725, 6681 – raqamli manbalarda masnaviy deb berilgan bo‘lsada 7092 raqamli manbada qasida sifatida ko‘chirilgan.

Qo‘lyozma quyidagicha kalafon bilan yakunlanadi:

Kotib Mulla Bobojon Tarro ibni Abdulaziz mahdum marhumiy sana ming uch yuz yigirma beshlanchiyili.

7092 raqamli manba.دیوان سعدی(Devoni Sa’diy). Qo‘lyozma ko‘k rangli yupqa karton bilan muqovalangan. Ustida uchta o‘yma naqsh bor. Matn chiroyli nastaliq xatida qora siyohda ko‘chirilgan. She’rlar qizil siyohda sarlavhalangan. Sahifalarda poygirlar berib borilgan. Sahifa yuqorisida kotib tomonidan sarlavha raqami qo‘yib borilgan. Qo‘lyozmaning 1^{b} sahifasida“Bismillohir-Rahmonir-Rahim”dan so‘ng quyidagicha sarlavha berilgan:Sayyid Sa’dulla To‘ra zida umruhu al mutaxxallis bi-s-Sa’diy ibni Sayyid Abdullo To‘ra zida umruhu ibnu hotamnishon Sayyid Muhammad Rahim Bahodirxon soniy doma davlatuhu. Qo‘lyozma matni dastlab 1^{b} sahifada Sa’diyning 7 baytli *“Zihi sone’ki sun’ig‘a oning yo‘qdur adad paydo,”* matlali g‘azali bilan boshlanadi. 1^{b}-35^{a}s ahifalaroralig‘idaSa’diyning 175 ta g‘azali raqamlangan holatda ko‘chirilgan. Aslida g‘azallar ko‘proq. Qo‘lyozmaning 8^{a} sahifa hoshiyasida Sa’diyning raqamlanmagan 11 baytli g‘azali ko‘chirilgan. U quyidagi matla bilan boshlanadi:

Ey qadingdur sarvyanglig‘ neajabzeboyigit,
Koshki qilsang edib azmim bukunma’voyigit.

12[a] sahifa hoshiyasida ham Sa’diyning yana ikki 7 baytlik *“Ne bo‘lg‘ay erdi, ey dilbar, hazin ko‘nglumni qilsang shod,”, “Agar cheksam firoqing shiddatidin ohidardolud,”* misralari bilan boshlanuvchi g‘azali ko‘chirilgan. Mazkur g‘azallar 909/2, 8725 raqamli manbalarda mavjud emas. Demak, bu qo‘lyozmadagi g‘azallar soni 178 tani tashkil etadi.

35[a]-36[a] sahifalarda shoirning *“Bo‘lg‘on taxti adolat uzra doim hukmronlar, Qading g‘amida qumri kibi aylaramizhor”* misralari bilan boshlanuvchi 2 ta mustazodi ko‘chirilgan.

Qo‘lyozmaning 36[a-b] sahifalari oralig‘ida bitta 11 baytli murabba ko‘chirilgan bo‘lib, quyidagi band bilan boshlanadi:

Alo, ey shahanshohizar rinrikob,
Jahon boricha bo‘lg‘osiz komyob,
Bo‘lub taxti adluzraizzatmaob,
Mudomo‘lfarahlig‘bilabahrayob.

Mazkur murabba 7092, 6681 raqamli qo‘lyozma manbalarda ko‘chirilgan. 909/2, 8725 raqamli manbalarda uchramaydi. 36[b]- 44[a] sahifalari orasida Sa’diyning 1 ta forsiy va 13 ta turkiy muxammasi ko‘chirilgan. Muxammaslar 36[b]-37[a] sahifalarda 8 baytli *“Man, ki yak sargashtaiishqamazavqotammapo‘rs”*, 37[a-b] sahifalarda 7 baytli *“Forig‘o‘lmadidahrningo lomasqomi* bila”, 38[a-b] sahifalarda 9 baytli *“Zihi Qodirki aylabdahr aro sun’iajabpaydo”*, 38[b]-39[a] sahifalarda 9 baytli *“Bu dam aylab manga bazmim aro tarkisitam kelgil”* 39[a-b] sahifalarda 5 baytli *“Ma’shuqg‘abuko‘nglumixushetdirabilmam”* 39[b]-40[a] sahifalarda 5 baytli *“Tez etardar dimo‘tin husninga oro berushing”,* 40[a-b] sahifalarda 7 baytli *“Lutf etib manga bu dam jomi vasling ehsonqil”,* 40[b]-41[a] sahifalarda 7 baytli *“Zihialtofi Haq bo‘lmish mani bechora g‘ahamdam”,* 41[a-b] sahifalarda 7 baytli *“Zihi sariririsolat uzra erur sen shoh”,* 41[b]-42[a] sahifalarda 7 baytli *“Aylar erdimorzu ul chashmifatton mujdasin”,*42[a-b] sahifalarda 7 baytli *“Borib ul yorijonoldig‘a man zor”*, 42[b]-43[a] sahifalarda 5 baytli *“Holimajavr-u sitamlarniravoko‘rmak nedur?”,* 43[a-b] sahifalarda 7 baytli *“Bihamdillah, mani mahzung‘alutfibehisob aylab”,* 43[b]-44[a] sahifalarda 7 baytli *“Ey ko‘ngul, yuz yilg‘i rohat birdamig‘a arzimas”* misralari bilan boshlanuvchi muxammaslari ko‘chirilgan. Bundan tashqari 37[a-b] sahifa hoshiyasida ham yana bitta 11 baytli *“Hamisha kavkabi baxtimo‘zing ma’bud qil, yo Rab”* misrasi bilan boshlanuvchi muxammasi ko‘chirilgan.

44[a] sahifada muxammaslar yakunlanib musaddaslar boshlangan. 44[a]-45[a] sahifalar oralig‘ida 11 baytli *“Ey adlsariri uzra sulton”,* 45[a-b] sahifalarda 7 baytli *“Ne sitamlarni manga bucharxixunxorayladi”*, 45[b]-46[b] sahifalarda 7 baytli *“Salom ul sarvigul ruxsorimizg‘a”*, 46[b] sahifada 5 baytli *“Soqiyo, qo‘ymay ko‘ngulda zarrade karmonimiz”*, 7 baytli 47[a-b] sahifalar oralig‘ida *“Alo, eyshohi odil, koni irfon”* misralari bilan boshlanuvchi musaddaslar ko‘chirilgan.

47[b]-49[a] sahifalar oralig‘ida 11 baytli *“To jahon bor inchabo‘lg‘ay ul shahi shohonimiz, Uldurur taxti xilofatda Skandar shonimiz”, “Ey taxti adolat uzra sulton, Dargohinga mehr-u mohdarbon” matlali musabba’ko‘chirilgan.*

49[a] sahifadan ijodkor masnaviylari boshlangan. 49[a]-50[b] sahifalar oralig‘ida 49 baytli *“Oning ismi bilanomim binosi, Ki yo‘qdur vasfining hech intihosi.”,* 50[b]-51[b] sahifalar oralig‘ida 53 baytli *“Sano o‘lsunonga hamd-u sanoyish, Ki ondindur bori ishga kushoyish.” Matlali masnaviy ko‘chirilgan.*

Mazkur devon so‘ngida 3 ta qasida ko‘chirilgan. Birinchi 37 baytli qasida 51[b]-52[b] sahifalar oralig‘ida ko‘chirilgan bo‘lib, quyidagi baytlar bilan boshlanadi:

Sano ul Xudoyimg‘abo‘lsun nisor,
Kamin bandasidur bari tojdor.

Ikkinchi qasida 37 baytdan iborat bo‘lib qo‘lyozmaning 52[b]-53[b] sahifalar orasida ko‘chirilgan. Qasida matlasi quyidagicha boshlanadi:

Xudovando, boribandangg‘aqilg‘illutfilaehson,
Nasimi rahmatingding‘unchako‘ngliniqilxandon.

Uchinchi qasida 31 baytdan iborat bo‘lib qo‘lyozmaning 53[b]-54[a] sahifalar orasida ko‘chirilgan. Qasida matlasi quyidagicha boshlanadi:

Holima lutf-u karamlaray labon, ey soqiyo,
To‘ldurub gulrang may tutg‘ilqadahbirla mango.

Qo‘lyozma 54[a] sahifada quyidagi kalafon bilan yakunlangan:

Alhamdulilloh valmin nahushbu devon Sa’diyni kimbo amri sultoni zamon va nodiri-d-davrona’ni Abulmuzaffar valmansur Abulg‘oziy Sayyid Muhammad Rahim Bahodirxon soniy doma davlatu huvashav katuhuning farmoni oliylari bila sana bir ming uch yuz yigirma yetti(1327 raqam holatda berilgan) lanchiyilimohish avvalningo‘nlanchisi chorshanbi kuni erdikim Mulla Boltaniyoz al mutaxxallis bi-Nadimiyvaladi Usta Qurbonniyoz yozib itmomg‘a yetkurdi. Tammatulkitobbiavni malikil Vahhob

6681/1 raqamli manba.ﺩﻳﻭﺍﻧ ﺳﻌﺩﻱ (Devoni Sa’diy). Qo‘lyozmaning o‘lchami 28x17, 5 sm. Asosiy matn fabrika qog‘ozida chiroyli nastaliq xatida ko‘chirilgan. Yaxshi saqlangan. Har bir sahifada poygirlar berib borilgan. G‘azallar raqamlangan. Asosiy matnda Sa’diyning 172 ta g‘azali ko‘chirilgan. Ammo sahifa hoshiyalarida ham Sa’diyning birnecha g‘azallarini uchratishimiz mumkin. Ijodkor g‘azallari 1[b] sahifadan 32[b] sahifalar oralig‘ida keltirilgan. 2[b]-3[a] sahifalar hoshiyasida 3 ta 7 baytli *“Ey jamoling oftobi olam orodur manga”, “Naylayin xurshedni ul mohrux soro‘lmasa”, “Qilding manga javr-u jafo, ey mahliqo, ey mahliqo”* 4[a] sahifa hoshiyasida 1 ta 9 baytli *“Lutfi behad holizorimg‘ aqilib, ey mohtob”* 4[b] sahifa hoshiyasida 1 ta 7 baytli *“Aylab manga lutfing ayon, ey no‘shlab, ey no‘shlab”*, 11[b]-12[a] sahifa hoshiyasida 2 ta 7 baytli *“Jamoling, ey qumr ital’at, jahon g‘aziyna tafzodur” “Jamoling mehri, ey dilbar, sening sham’i gulistondur”* 25[a] sahifa hoshiyasida 1 ta 7 baytli *“Manga rahm aylab ul xurshid tobon nega kelmassan* 25[b]-26[a] sahifa hoshiyasida 2 ta 7 baytli *“Gul yuzing shavqida har dam aylabon oh-u fig‘on”, “Ishqing g‘amidin, ey pari, har dam qilib oh-u fig‘on”* 1 ta 15 baytli *“Ey malohat avji uzra ne ajab shahbozsan”,* misralari bilan

boshlanuvchi g‘azallari ko‘chirilgan. *“Ey malohat avji uzra ne ajab shahbozsan”* misrasi bilan boshlanuvchi g‘azali 25[a] sahifa hoshiyasida 7 bayt tarzda ko‘chirilgan, ammo ushbu g‘azal misralari qizil siyohda tekis chiziq bilan o‘chirilgan. Keyingi sahifa hoshiyalarida esa 15 bayt qilib keltirilgan.

32[b] sahifada g‘azallar yakunlanib, 33[a] sahifadan shoirning *“Bo‘lg‘on taxti adolat uzra doim hukmronlar, Qading g‘amida qumri kibi aylaram izhor*” misralari bilan boshlanuvchi mustazodlari ko‘chirilgan.

34[a-b] sahifalarda *“Forig‘ o‘lmadi dahrning olomasqomi* bila”, 34[b]-35[a] sahifalarda 9 baytli *“Zihi Qodirki aylabdahr aro sun’i ajab paydo”*, 35[a-b] sahifalarda 9 baytli *“Bu dam aylab manga bazmim aro tarkisi tam kelgil”* 35[b]-36[a] sahifalarda 5 baytli *“Ma’shuqg‘a bu ko‘nglumi xushetdir abilmam”* 36[a-b] sahifalarda 5 baytli *“Tez etar dardimo‘tinhusninga oro berushing”,* 36[b]-37[a] sahifalarda 7 baytli *“Lutf etib manga bu dam jomi vasling ehsonqil,”,* 37[a-b] sahifalarda 7 baytli *“Zihi altofi Haq bo‘lmish mani bechorag‘a hamdam”,* 37[b]-38[a] sahifalarda 7 baytli *“Zihisarirriri solat uzra erursen shoh”,* 38[a-b] sahifalarda 7 baytli *“Aylar erdi morzu ul chashmi fatton mujdasin,”* 38[b]-39[a] sahifalarda 7 baytli *“Borib ul yorijon oldig‘a man zor”*, 39[a-b] sahifalarda 5 baytli *“Holi majavr-u sitamlarni ravo ko‘rmak nedur?”*39[b]-40[a] sahifalarda 7 baytli *“Bihamdillah, mani mahzung‘a lutfi behisobaylab”*40[a-b] sahifalarda 7 baytli *“Ey ko‘ngul, yuz yilg‘i rohat birdamig‘a arzimas”*, misralari bilan boshlanuvchi muxammaslari ko‘chirilgan. Bundan tashqari shoirning 34[a-b] sahifa hoshiyasida ham bitta “Man, ki yak sarkashtai ishqa mazavqotammapo‘rs” misrasi bilan boshlanuvchi forsiy muxammasi ham mavjud.

34[b]-35[a] sahifa hoshiyasida esa 11 bandli “Alo, ey shahan shohizarrinrikob,” misrasi bilan boshlanuvchi murabba ko‘chirilgan.

Mazkur qo‘lyozmada Sa’diyning 5 ta musaddasi ko‘chirilgan. 40[b]-41[a] sahifalar oralig‘idagi *“Salom ul sarvigulruxsorimizg‘a”* musaddasi 7 banddan, 41[a-b] sahifalar oralig‘idagi *“Soqiyo, qo‘ymay ko‘ngulda zarra dekarmonimiz”* 5 banddan, 41[b]-42[a] sahifalar oralig‘idagi *“Alo, ey shohi odil, koniirfon”* 7 banddan iborat. Shuningdek, 40[b]-41[b] sahifa hoshiyasidagi *“Ey adl saririuzra sulton”* musaddasi 11 banddan, 41[b]-42[a] sahifa hoshiyasidagi *“Ne sitamlarni manga bucharxi xunxor ayladi”* 7 banddan iborat. Birinchi musaddas quyidagi band bilan boshlanadi:

Salom ul sarvigulruxsorimizg‘a,
Salom ul ko‘zlari bemorimizg‘a,
Salom ul xush shakar guftorimizg‘a,
Salom ul yori xushatvorimizg‘a,
Karam aylab bu holizorimizg‘a,
Salom ayt, qosid, ul dildorimizg‘a.

42[a]-43[b] sahifalarda shoirning birinchi 11 bandli *“To jahon borincha bo‘lg‘ay ul shahi shohonimiz”* hamda 43[b]-44[a] sahifalarda ikkinchi 6 bandli *“Ey taxti adolat uzra sulton”* misralari bilan boshlanuvchi musabbasi ko‘chirilgan. Ikkinchi musabba aslida 7 banddan

iborat Ammo 7092, 6681 raqamli manbalarda musabbaning 6 bandi ko‘chirilib, quyidagi ikkinchi bandi tushirilib qoldirilgan:

Ey mehri malohat osmoni,
V-eyoshiqi jism zorjoni,
Hajringo‘tidabunotavoni,
Ko‘kdinoshar oh ilafig‘oni,
Tark aylaxudouchunjafoni,
Bu zor-u hazing‘alutfetibon,
Vasling mayini onga karamqil.

[Ushbu band 909/2 raqamli manba asosida tiklandi. 7092 raqamli manbada mavjud emas.]

44[a]-45[a] sahifalarda 49 baytli *“Oning ismi bilanomim binosi”*, 45[a]-46[a] sahifalarda 37 baytli *“Sano ul Xudoyimg‘a bo‘lsun nisor”* va 44[a]-45[a] sahifalar hoshiyasida ham bitta 53 baytli *“Nisoro‘lsunonga hamd-u sanoyish”* misralari bilan boshlanuvchi masnaviylari ko‘chirilgan.

46[a]-47[a] sahifalarda *“Xudo vando, boribandang g‘aqilg‘illutfila ehson”*, 47[a-b] sahifalarda *“Holima lutf-u karamlaraylabon, ey soqiyo”* misralari bilan boshlanuvchi qasidalar ko‘chirilgan.

47[b] sahifada qo‘lyozma quyidagi kalafon bilan yakunlanadi:

Kotib mulla Karimbergan Devon ibn Rahmonbergan marhumiy sanayi bir ming uch yuz yigirma beshlanchiyili.

Xulosa qilib aytganda, shoir asarlarining monografik tavsifini yaratish orqali ijodkor lirik merosi manbalari xususidagi ilmiy mulohazalarni asoslash matnshunoslik sohasining dolzarb vazifalaridan biridir.

ADABIYOTLAR:

1. O‘zR FA Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti. Qo‘lyozma № 909/2
2. O‘zR FA Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti. Qo‘lyozma № 7092
3. O‘zR FA Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti. Qo‘lyozma № 6681/1
4. Ҳакимов М. (2013). Шарқ манбашунослиги луғати. – Тошкент: Давр пресс. – Б. 496.
5. Навоий асарлари луғати (Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброҳимов). (1973) Тошкент: Адабиёт ва санъат. – Б. 784.

AMERIKA ILMIY FANTASTIKASIDA TEXNOLOGIK TARAQQIYOT VA INSONIYAT TAQDIRI MASALASI TASVIRI

Ko‘chimov U.Q.
Alfraganus universiteti, Toshkent shahri

XX asr o‘rtalarida axborot texnologiyalarining rivojlanishi va kompyuterlarning inson hayotiga chuqur kirib borgani hech kimga sir emas. Bu esa fantastikada axborot texnologiyalari va kompyuterlar masalasini yetakchi mavzulardan biriga aylantirdi. “Ko’plab hikoyalarda mashinalarxatoga moyil mavjudotlar sifatida tasvirlangan. Ular odatda yaxshi tasvirlansa-da, ma’lum sharoitlarda yovuzlashib, o’z yaratuvchilarini yo’q qilishga intilardi. Ko’pchilik tanqidchilar bu hikoyalarni insoniyat dunyosini egallab olgan begona mashina va mavjudotlar sifatida talqin qilishdi”[1-37]. Shu bilan birga, axborot texnologiyalariga boshqacha qarash ham shakllandi. Mashinalar dunyoni ma’lumotlar bilan to’ldiradigan va ularga kirish imkonini beradigan faol, o’ta ongli mavjudotlar sifatida tasavvur qilindi. Bu mashinalar ijtimoiy o’lchamga ega bo’lib, dunyoni tuzimlashtirardi, ammo g’ayritabiiy tus olmasdi.Ular Amerika sanoatida markaziy o’rin egallagan ijtimoiy mashinalar sifatida tasvirlandi.“Ko’pchilik tanqidchilar bu hikoyalarni texnologiya va uning ijtimoiy oqibatlariga nisbatan sodda va g’ayratli munosabat ifodasidek talqin qilishdi. 1950-yillarning oxirida Amerika ilmiy fantastikasida keng tarqalgan mavzu uzoqdagi Nuh yoki xudo vazifasini bajaradigan kompyuter, mashina yoki o’ziga xos qurilmaedi.Bu hikoyalar ulkan koinotda kechardi.Mashina uzoqdan insoniyat e’tiborini tortib, o’z mavjudligini ko’rsatar va insoniyatga ma’lum yo’nalish berardi” [2-255-277].

Insoniyat doimo o’zi yaratgan vositalarga ikki xil munosabatda bo’lib kelgan.“Biz gen muhandisligi, fikrlovchi mashinalar va virtual olamlarga kirishning imkoniyatlaridan hayratga tushamiz, biroq ayni paytda bu yangi texnologiyalar bizni esankiratib qo’yishi mumkinligi haqida sergak tortamiz. Bir tomondan, o’zimiz yaratgan vositalar bizni o’ziga rom etadi va o’zgartiradi, boshqa tomondan esa ulardan qo’rqamiz va ularning ta’siridan qochishga intilamiz” [3-10].

Inson va texnologiya o’rtasidagi munosabat Amerika ilmiy fantastikasining asosiy mavzularidan biridir. Texnologiyaning madaniyatga qanday ta’sir ko’rsatishi haqidagi falsafiy fikrlar ilmiy-fantastik adabiyotdan kelib chiqadi.Ilmiy-fantastik asarlar mualliflari o’z hikoyalari orqali insoniyatning zamonaviy holatini va inson bilan texnologiya o’rtasidagi shakllanayotgan munosabatlarni qayta talqin qiladilar. Ular hikoya qilgan voqealar ko’pincha texnologiyalarning to’xtovsiz rivojlanishi nazorat qilinmasa, qanday oqibatlarga olib kelishi mumkinligi haqida madaniy ogohlantirish vazifasini bajaradi. Aniqroq aytganda, matnda keltirilgan dalillar texnologiya va insoniyat bilan bog’liq ilmiy-fantastik xususiyatlarni tahlil qiladi. Bu hikoyalarning syujeti zamonaviy madaniyatda mavjud bo’lgan texnologiyaga nisbatan qo’rquv va shubhalar bilan qanday bog’liqligiga alohida e’tibor qaratiladi.

Yillar davomida gen muhandisligi, kompyuterlar, robototexnika va internet sohalarida texnologiyaning keskin rivojlanishi atrof-muhit tanazzulini keltirib chiqardi, ekologik muammolar kelib chiqardi, ish o'rinlarini yo'qotdi, jamiyatdagi hokimiyat markazlarini larzaga soldi va jamoat aloqalarini chalkashtirib yubordi. Texnologiya rivojlanib, inson hayotiga chuqur kirib borgan sari, bir paytlar insoniyatni texnologiyadan ajratib turgan chegara xavfli darajada yupqalashdi Pirovardida, aynan eskirib qolish va insoniy mohiyatni yo'qotishdan qo'rqish texnologiya kelajagini mujmal qilmoqda. Texnologiyaning ko'lami va tezligi bir vaqtlar inson tabiati bilan bog'liq bo'lgan muammolarni yengib o'tsa, insoniyat taqdiri nima bo'ladi? Mashinalar qachonlardir fikrlay oladimi?Ular qachondir his-tuyg'uga ega bo'ladimi?Mashinalar dunyoni egallab oladimi? Bunday savollar katta xavotir uyg'otdi, shu bilan birga Amerika ilmiy-fantastik adabiyoti hamda kinosining g'aroyib muvaffaqiyati texnika va insoniyat kelajagi haqidagi madaniy havotirlanishning yaqqol isboti bo'la oladi.

Merriam-Webster lug'atiga ko'ra, "ramziylik - bu ramzlardan foydalanish san'ati yoki amaliyoti bo'lib, ayniqsa narsalarni ramzlar yoki an'anaviy bog'liq ranglar orqali ifodalashdir" [4-298]. Bu so'z, metafora va mif bilan bir qatorda, ilmiy fantastikada ramziylik va metaforani muhokama qilishda muhim atamalardan hisoblanadi. "Metafora bir narsa boshqa narsa sifatida tavsiflanganida yuzaga keladi, masalan, "hayot - sayohatdir". Mif esa metafora kengaytirilganda va hikoyaga aylantirilganda paydo bo'ladi, misol uchun, "hayot sayohatida ko'plab qisqa yo'llar bor...".Ilmiy fantastika ramziylikni talab qiladi, aks holda u oddiy fantaziyaga aylanib qoladi. Shu maqsadda raqamlar begunohlik, voyaga yetganlik va qo'rquvni ramziy ma'noda ifodalash uchun ishlatiladi. Barcha insonlar bular bilan kurashishga majbur, chunki bu ramzlar insoniyatning umumiy qismatini anglatadi" [5-59].

Le Ginning eng mashhur romanlari "Zulmatning chap qo'li" va "Tashlandiqlar" insoniyat yaratgan manzaralar butun qamrovini, xalqlar va tillarda ko'pincha afsonaviy tuyuladigan ibtidoiy bevositalik bilan tasvirlaydi. Ifoda, tasvir va muloqotning ravshanligi badiiy adabiyot chegarasidan chiqib, uni anglaganlar uchun haqiqat jarangiga ega. Le Guin romanlari insoniyat tafakkuriga o'zgartirilgan voqeliklar, ijtimoiy tuzilmalar hamda fazo va vaqt haqidagi tasavvurlar nuqtayi nazaridan, xoh begona madaniyatlar orqali, xoh tanish narsalar bilan uyg'unlashgan voqeliklar orqali berilgan bo'lsin, muammo ko'ndalang qo'yadi. Le Guin o'z romanlarida ko'zga ko'rinadigan, sezgir dunyoning boy madaniyatlari, tarixi va tillariga boy bo'lgan muhitda inson tajribasini mavhumlashtirishga undaydi. Texnologik jihatdan rivojlangan Keshlar uchun shunchaki qiziqarli hodisa bo'lgan yo'q bo'lib ketgan irqning qoldiqlari afsonaga aylanadi va Keshning "Yuraklar" va "Ovozlar" madaniyatidagi azaliy bo'linishni aniqlash vositasiga aylanadi, bu esa o'tmishni og'riqli qayta tiklashni talab qiladi.Bu ilmiy fantastika va shunday fantastik asarlar ta'sirida shakllanayotgan dunyoga bo'lgan qiziqish to'lqinining markazida janrning "globallashuvi" deb atalgan hodisa yotadi. O'tgan o'n yilliklarda kuzatilgan ishonchsizlik va ochiq dushmanlikka qarama-qarshi o'laroq, XXI asr boshlarida ilmiy

fantastika tobora ko’proq inson tajribasining oddiy doirasidan tashqaridagi boshqa dunyolar haqidagina emas, balki real dunyo haqida ham bo’lib bormoqda. Madaniy xulosalardan ustun turuvchi siyosatga chuqur bog’langan, tobora “irqchilikdan xoli” bo’lib borayotgan ilmiy-fantastik adabiyotning eng sara asarlari, ehtimol, bunday yondashuv 1950-yillardagi Amerika adabiyoti doirasidan tashqarida bo’lganligiga ishoradir.

Xulosa qilib aytganda, ilmiy fantastika janri nafaqat kelajak tasvirlarini yaratish vositasi, balki bugungi kunning muhim muammolarini ifodalovchi badiiy platforma sifatida ko’rilgan. Amerika ilmiy fantastikasi inson va texnologiya o’rtasidagi murakkab munosabatlarni yoritishda chuqur badiiy va falsafiy mazmunga ega. Mualliflar zamonaviy jamiyatdagi texnologik taraqqiyotning ijobiy va salbiy oqibatlarini tahlil qilib, uni madaniy ogohlantirish vositasi sifatida ishlatadilar. Ramziylik va metafora orqali insoniyat tajribasining universal jihatlari ko’rsatiladi. Bu esa ilmiy fantastikani faqatgina o’yin yoki tasavvur mahsuli emas, balki jiddiy ijtimoiy-tahliliy janr sifatida qadrlash zarurligini ko’rsatadi.

ADABIYOTLAR:

1. Andreu Wilhite, Rhetorical Theory: Discourse Practices of Utopian Communities. 1999. 37-p.https://repository.lsu.edu/gradschool_disstheses/

2. Jancovich, Mark “Chained to the pendulum of our own mad clockwork”: Science fiction, cyclicality and the new dark age during the Cold War. European Journal of American Culture, 2019. 38 (3). pp. 255-277.

3. Merriam-Webster he New Twelfth Edition America's Most Trusted Dictionary, Extensively Revised & RedesignedArriving Nov. 18 – Preorder Now

4. Clare Herlihy, B. Time, terror and the technological imagination: Frankenstein’s fictional legacy in the scientific age: a thesis presented in partial fulfillment of the requirements for the degree of Master of Arts in English at Massey University, Palmerston North, New Zealand. 2005. p.10.

5. Missroon, D. Speculative Fiction and Speculative Ethics: Society, Science Fiction, and the Thomas Theorem. 2019.p.59.

“HIBAT UL-HAQOYIQ” DA DUNYO OBRAZINING BADIIY-FALSAFIY IFODASI

Khujaeva Sh.
Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti, Toshkent shahri

Kirish. Turkiy adabiyot tarixida “dunyo” obrazining badiiy talqini asrlar davomida ma’naviy-falsafiy mazmun bilan boyib borgan. Ayniqsa, Yusuf Xos Hojib, Ahmad Yugnakiy, Ahmad Yassaviy singari mutafakkirlar ijodida “dunyo” timsoli nafaqat ijtimoiy-axloqiy mazmunda, balki chuqur falsafiy-estetik konsepsiyada namoyon bo‘ladi.

Xususan, Ahmad Yugnakiy “Hibat ul-haqoyiq” asarida bu obrazni mustaqil falsafiy mavzu darajasiga ko‘tarib, unga alohida bo‘lim bag‘ishlagan ilk turkiy shoirlardan biridir. Uning dunyo haqidagi qarashlari Yusuf Xos Hojibning “Qutadg‘u bilig” asarida shakllangan an’anaviy ramzlardan oziqlansa-da, mazmun jihatidan mustaqil konsepsiyani ifodalaydi. Yugnakiy dunyoni turli ramziy timsollar orqali tasvirlab, bu timsollar vositasida hayotning o‘tkinchiligini, inson amallari natijasining oxiratda namoyon bo‘lishini, zohir va botin o‘rtasidagi tafovutni teran falsafiy ma’noda ifodalaydi.

Yugnakiy ijodidagi ushbu ramziy talqinlar turkiy didaktik adabiyotda dunyo masalasining mustaqil badiiy konsepsiyasini shakllantirgan bo‘lib, u orqali muallif o‘quvchini o‘tkinchi hayot zavqlariga mahliyo bo‘lmaslikka, balki ilohiy haqiqatni anglashga da’vat etadi.

Asosiy qism. Ahmad Yugnakiy ijodida dunyo obrazining talqini avvalambor uning didaktik yo‘nalishga asoslangan she’riy uslubi bilan ajralib turadi. Muallif “Hibat ul-haqoyiq” asarida dunyo obraziga alohida e’tibor qaratib, unga maxsus bo‘lim ajratgani bilan Yusuf Xos Hojibdan farq qiladi. Bu esa Yugnakiyda dunyo masalasiga yondashuvning mustaqil konsepsiyaga aylanganini ko‘rsatadi. Asarning uchinchi bo‘limidagi boblar mos ravishda “Dunyoning o‘zgarib turishi haqida” hamda “Dunyoga muhabbat qo‘yish xatolarning boshi ekanligi haqida Payg‘ambar sallallohu alayhi vasallam so‘zi” deb nomlanadi. Bob sarlavhalarining o‘ziyoq muallifning dunyo masalasiga qanchalik aniq va tizimli yondashganini ko‘rsatadi. “Dunyoning o‘zgarib turishi haqida”gi bobi dunyoni ramziy obraz sifatida “karvonsaroy”ga qiyoslash bilan boshlanadi:

*Dunyo – **karvon saroy**: kelgan ketgusi, Hamma ham unga bir qo‘nib o‘tgusi. Bir karvon bir yerdan chiqqanda yo‘lga, Bir karvon manzilga borib yetgusi* [Yugnakiy A., 2022. – 586].

She’rda qo‘llangan “karvonsaroy” timsoli orqali dunyo, “karvon” orqali inson, “yo‘l” orqali hayot, “manzil” timsoli orqali oxirat nazarda tutilgan bo‘lib, unda dunyo oxirat safariga otlangan “yo‘lovchi” – insonning bir necha lahzalik orom topuvchi muvaqqat manzili sifatida yorqin gavdalantirilgan. Ahmad Yugnakiy ushbu ramziy tasvir vositasida o‘quvchini dunyo hayotining mohiyati va undagi avlodlar almashinuvi haqida teran tafakkur qilishga undaydi. Shuningdek, muallif ushbu fikrni mashhur hadis – “اَيْنُ‌دلا ةَرِخآلا ُةَعَرْزَم” (“Dunyo – oxiratning ekinzoridir”) mazmuni bilan bog‘laydi:

***Ekinzor** deb aytdi dunyoni Rasul, Unda ekin ekkan ko‘tarar xirmon.* [Yugnakiy A., 2022. – 586].

Ushbu baytda istifoda etilgan “ekinzor” va “xirmon” ramzlari kuchli falsafiy yuklamaga ega. “Ekinzor” bu dunyodagi hayotiy maydon bo‘lib, unda insonning har bir amali - ezgu niyat, halol mehnat, axloqiy fazilatlar “ekin” timsolida tasvirlanadi. “Xirmon” esa oxirat manzarasini ifodalab, bu dunyodagi amallar samarasining oxiratda yuzaga chiqishini, ya’ni inson bu dunyoda qilgan amallariga ko‘ra oxiratda jazolanib yoki mukofotlanishini bildiradi.

Shundan so‘ng Ahmad Yugnakiy dunyoning o‘tkinchi mohiyatiga alohida e’tibor qaratadi. Hayot har qancha shirin va jozibador bo‘lmasin, uning davomiyligi muqarrar

emas, balki vaqtinchadir. Bu fikr quyidagi baytda “yel” ramzi orqali obrazli tarzda ifoda etiladi:

O‘tkinchidir ushbu dunyo lazzati, ***Yel****dek kechar uning shirin muddati.* [Yugnakiy A., 2022. – 586].

Mazkur baytda “dunyo lazzati” degan ibora hayotning zavq-shavq, boylik, shon-shuhrat, farovonlik kabi zohiriy ne’matlarini anglatadi. Shoir bu ne’matlarning shirinligini inkor etmaydi, balki ularning barqaror emasligi, o‘tkinchiligini ta’kidlaydi. Ayniqsa, “yel” obrazining qo‘llanishi bejiz emas. “Yeldek kechmoq” iborasi - Sharq poetikasida tez o‘tib ketuvchi hodisalar uchun ishlatiladigan an’anaviy tashbehlardan bo‘lib, u vaqtning beqarorligi, o‘zgaruvchanligi va boshqarib bo‘lmas tabiati bilan bog‘liq. Yel - moddiy jihatdan tutib bo‘lmaydigan, doim harakatda bo‘lgan, bir holatda turmaydigan unsur. Shu nuqtai nazardan, baytda dunyo lazzatlarining insonga uzoq davom etmaydigan, bir lahzalik zavq ekani ta’kidlanadi. Ular yel kabi keladi va yel kabi ketadi. Baytdagi “shirin muddat” iborasi esa hayotning jozibali davrlari - yoshlik, baxt, salomatlik, mol-davlat kabi holatlarning vaqtinchaligiga ishora qiladi. Shunday qilib, ushbu baytda hayotning beqaror tabiati va uning ne’matlariga haddan ortiq mahliyo bo‘lmaslik g‘oyasi ramziy shaklda ifoda etilgan. Muallif bu orqali o‘quvchini doimiy bo‘lmagan dunyo zavqlariga ko‘r-ko‘rona ergashmasdan, oxiratga tayyorgarlik ko‘rishga undaydi.

Shu bilan birga, Ahmad Yugnakiyda Yusuf Xos Hojib tomonidan turkiy yozma adabiyotda asos solingan an’ana – dunyoni ayol qiyofasida tasvirlashning o‘ziga xos ifodasini ko‘rish mumkin. Xususan, A.Yugnakiy “Hibat ul-haqoyiq” asarida ushbu timsolni yangi poetik vositalar bilan boyitib, undan chuqur ma’naviy-ma’rifiy g‘oyalarni ifodalashda foydalanadi. Quyidagi parchada bu hol ko‘zga yaqqol tashlanadi:

Dunyo goh ***qosh qoqar****, goh qovoq solar, Bir qo‘lida asal, birida zahar. Asal bilan totli qilib taoming, Ortidan zaharli qadahni tutar. Goh niqobin olib, dunyo yuz ochar, Quchguday bo‘lib qo‘l yozaru qochar.* [Yugnakiy A., 2022. – 587].

Yusuf Xos Hojibda dunyo ayol timsolida “ko‘z suzish” orqali o‘ziga maftun etsa, Ahmad Yugnakiyda bu holat “qosh qoqar”, “yuz ochar”, “qo‘l yozar” kabi poetik kinoya va tashbehlar orqali yanada murakkab shaklda ifodalanadi. Har ikki tasvirda ham Sharq poetikasida ayol go‘zalligining tashqi alomatlari ramzga aylantirilib, ular vositasida joziba va aldovning o‘zaro uyg‘unligi ifodalanadi. Biroq Yugnakiy bayonida dunyo timsolidagi ikkiyuzlamachilik yanada keskin va dramatik tarzda tasvirlanadi: u “bir qo‘lida asal, bir qo‘lida zahar” tutgan holatda gavdalanib, bu ramziy qiyofa insonni chalg‘ituvchi tashqi latofat ortidagi botiniy halokatni anglatadi. Ushbu qarama-qarshi obrazlar zohir va botin o‘rtasidagi tafovutni chuqur falsafiy ma’no bilan yoritadi.

Yusuf Xos Hojib dunyoni zohiran “yasangan kelin”, botinan esa xunuk, qilmishlari jafo bo‘lgan qari kampir qiyofasida tasvirlasa, A.Yugnakiy esa uning mohiyatidagi ikkiyuzlamachilikni yanada murakkab ramziy kontrastlar – zahar va asal, niqob va ochiq yuz kabi qarama-qarshi obrazlar orqali yoritib, ramziy ifodaning estetik qamrovini kengaytiradi. Har ikki adibning ramziy obrazlari o‘zida chuqur falsafiy tafakkurni

mujassam etib, insonni dunyoga haddan tashqari berilmaslikka, balki uning botinida yashiringan mohiyatni anglashga undaydi.

Shuningdek, “Hibat ul-haqoyiq”ning boshqa o‘rinlarida ham “Qutadg‘u bilig” bilan ma’naviy-estetik hamohanglikni ko‘rish mumkin. Xususan, Ahmad Yugnakiy ham Yusuf Xos Hojib singari dunyoning o‘tkinchi tabiatini ifodalashda “tush” va “qush” kabi ramziy obrazlardan foydalanadi. Biroq u bu timsollarni yanada boyitib, ularning qatoriga “bulut” va “yel” singari tabiat manzaralari orqali kuchli poetik ma’no yuklaydi:

Ko‘klam buluti *yo* ***tush****dek omonat, Baxt* ***yel****dek tez kechar yo* ***qush****dek uchar.* [Yugnakiy A., 2022. – 587].

Mazkur baytda “ko‘klam buluti” va “tush” timsollari orqali dunyoning o‘zgaruvchan, omonat tabiati ta’kidlansa, “yel” va “qush” ramzlari orqali baxtning tez o‘tuvchanligi, inson hayotida barqaror saodat yo‘qligi aks ettirilmoqda.

Shu bilan birga, “Hibat ul-haqoyiq” asarida dunyo ilk bor ilon timsoli orqali talqin etiladi. Bu ramz Ahmad Yugnakiygacha bo‘lgan adabiy an’analarda uchramaydi va muallifning dunyoga nisbatan o‘ziga xos estetik-ramziy qarashlarini ifoda etadi:

Ilon*dek dunyoning ishi sehr-jodu, Yuvosh deb aldanma, ichi liq og‘u.* [Yugnakiy A., 2022. – 587].

Ushbu baytda “ilon”, “sehr-jodu”, “aldov”, “og‘u” kabi timsollar bir-biri bilan uzviy bog‘langan holda chuqur ma’naviy-falsafiy mazmun hosil qiladi. Ilon timsoli Sharq tafakkurida qadimdan xavf, makr, yashirin tahdid belgisi bo‘lib kelgan. Ayniqsa, Sharq mifologiyasi va afsonalarida sehr-jodu ilon obrazi bilan chambarchas bog‘liq: jodugarlar odatda o‘z sehrlarini aynan ilon yordamida amalga oshirganliklari haqida ko‘plab rivoyatlar mavjud. Ahmad Yugnakiy ushbu madaniy arxetipdan foydalangan holda, dunyoni aynan ilon sifatida tasvirlash orqali uning sehr-jodu bilan bog‘liqlik xususiyatiga e’tibor qaratadi va o‘quvchiga dunyoning zohiriga aldanmaslik, uning mohiyatiga teran nazar solish zarurligini uqtiradi.

Yugnakiy ijodida dunyo mavzusining talqiniga xos bo‘lgan yana bir muhim xususiyat shuki, muallif asar davomida dunyoning butun mohiyatini oshkor etgani holda, asarning “Oxirgi bo‘lim”ida butun insoniyatni dunyoni ayblamaslikka chaqiradi. Zero, dunyodagi har bir hodisa o‘z-o‘zidan sodir bo‘lmay, balki Allohning irodasi va taqdiri bilan bog‘liqdir:

Dunyoni ayblama, ey nodon kishi,
Allohning qo‘lida taqdirning ishi.
Tuzoqqa yetaklar kiyikni taqdir,
Taqdirdan oyoqqa tikan kirishi. [Yugnakiy A., 2022. – 598].

She’rning *“Allohning qo‘lida taqdirning ishi”* misrasi Qur’oni karimda ifodalangan “kulli shay’in bi-qodar” (“har bir narsa belgilangan taqdir bilan ro‘y beradi”) g‘oyasini ifoda etadi: *“Biz albatta har narsani belgilangan taqdir bilan yaratdik”* (Qamar, 49). Bu yerda dunyoda sodir bo‘layotgan hodisalarni ayblashdan ko‘ra, ularni ma’naviy tafakkur bilan qabul qilish zarurligi uqtiriladi.

Xulosa. Yuqoridagi tahlillar shuni ko‘rsatadiki, Ahmad Yugnakiy “Hibat ul-haqoyiq” asarida “dunyo” obrazini tasvirlash orqali inson va borliq o‘rtasidagi murakkab ma’naviy munosabatni badiiy-falsafiy darajada ochib beradi. Shoir nazarida dunyo zohiran jozibador va orzu-havaslarga boy ko‘rinsa-da, aslida u inson iymoni, sabri va diyonatini sinovdan o‘tkazuvchi maydondir. Shu jihatdan, “dunyo” ramzi nafaqat o‘tkinchi hayot manzarasi, balki ilohiy haqiqatni anglash sari yo‘l ochuvchi ma’naviy kalit sifatida talqin etiladi.

Yugnakiy dunyo voqeligini Haq taolo irodasining in’ikosi sifatida ko‘rib, borliqdagi har bir o‘zgarish va hodisani Allohning taqdiri bilan bog‘laydi. Shoirning dunyoga bunday nazari tasavvufiy tafakkurning mohiyatiga yaqin bo‘lib, insonni tashqi go‘zallik va lazzat ortidagi botiniy ma’noga nazar solishga, har bir hodisani ma’naviy idrok bilan qabul etishga undaydi.

Ahmad Yugnakiy qo‘llagan ramzlar tizimi – “karvonsaroy”, “ekinzor”, “yel”, “ilon”, “ayol” kabi timsollar orqali dunyoning zohir va botin qatlamlari o‘rtasidagi ziddiyat badiiy vositalar bilan yoritilgan. Bu ramzlar nafaqat tasviriy element, balki o‘quvchini tafakkurga chorlovchi, didaktik xulosaga yetaklovchi ma’naviy belgilar sifatida xizmat qiladi.

Demak, “Hibat ul-haqoyiq” asarida dunyo obrazining talqini oddiy axloqiy nasihat doirasidan chiqib, keng falsafiy mazmun kasb etadi. Yugnakiy o‘z davri uchun xos bo‘lgan ma’rifiy ruhni axloqiy-estetik tafakkur bilan uyg‘unlashtirib, dunyo va inson munosabatiga yangicha badiiy falsafiy qarash olib kirgan. Shu orqali u turkiy adabiyotda “dunyo” obrazining ramziy talqinini yangi bosqichga ko‘targan va keyingi didaktik-irfoniy adabiyot uchun mustahkam asos yaratgan.

ADABIYOTLAR:

1. Abrams, M.H. (1999). A Glossary of Literary Terms (7th ed.). Boston: Heinle & Heinle. – p.311–312.
2. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати (Э.И.Фозилов таҳрири остида). 4 томлик. 2-том. – Тошкент: Фан, 1983.
3. Ahmad Yugnakiy. Hibat ul-haqoyiq (She’riy tabdil muallifi E.Ochilov) / Turkiy adabiyot durdonalari. 100 jildlik. 3-jild. – Toshkent: O‘zbekiston, 2022.

O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi. – Toshkent: „O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi“ Davlat ilmiy nashriyoti, 2005.

Ahmad Yugnakiy. Hibat ul-haqoyiq (She’riy tabdil muallifi E.Ochilov) / Turkiy adabiyot durdonalari. 100 jildlik. 3-jild. – Toshkent: O‘zbekiston, 2022.

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR IJODINING ESTETIK VA FALSAFIY TALQINI SAIDBEK HASANOV TADQIQOTLARIDA

Musaev I.X.
Alfraganus universiteti, Toshkent shahri

Kirish. Saidbek Hasanov o‘z izlanishlarida mumtoz adabiyotni faqat tarixiy manba sifatida emas, balki zamonaviy inson uchun ma’naviy va estetik mushohada maktabi sifatida talqin etadi. Unga ko‘ra, Bobur she’riyati – bu inson ruhining o‘z-o‘zini anglash jarayoni, estetik tafakkur va falsafiy idrok uyg‘unligidir. Shundan kelib chiqib, ushbu maqolada Hasanovning Bobur lirikasiga nisbatan estetik-falsafiy yondashuvi, ramz va timsollar tizimini tahlil etish uslubi hamda matnni zamonaviy kontekstda talqin qilish tamoyillari ilmiy asosda yoritiladi.

O‘zbek mumtoz adabiyotining ulkan namoyondasi, atoqli shoir, olim va davlat arbobiZahiriddin Muhammad Bobur hayoti hamda ijodi asosan ko‘pchilik adabiyotshunos olimlar tomonidan alohida o‘rganilgan. O‘zbekistondagi bobur shunoslardan Vohid Zohidov, Hamid Sulaymon, Sabohat Azimjonova, Hamidulla Hasanov, Aziz Qayumov, Saidbek Hasanov kabi tadqiqotchilar bu mavzuda katta ishlar qilgan.

Saidbek Hasanov “Boburnoma”, “Xamsa”, “Mashrab devoni” kabi manbalarni tahlil qilganda, ularni qotib qolgan tarixiy manba emas, balki zamonaviy inson uchun axloqiy-falsafiy maktab sifatida o‘rganadi. Masalan, Boburning ichki kechinmalari, haqiqat izlovchi ruhi hozirgi inson uchun ham dolzarbdir [1, b-63].

Aro‘z nazariyasiga oid Mirzo Bobur risolasini mutaxassislar “Mufassal”, “Muxtasar”, “Risolai aro‘z” yoki “Aro‘z risolasi” deb yuritishadi. Yaqin yillargacha bu asar keng jamoatchilikka noma’lum edi. Risola professor Hamid Sulaymon 1968-yili Parij milliy kutubxonasidan keltirgan fotokopiya asosida Saidbek Hasan tomonidan 1971-yili Toshkentda nashr qilindi. Bir yildan so‘ng Moskvada I.V.Stebeleva ham bu asar qo‘lyozmasi fotonusxasini e’lon qildi. Saidbek Hasan tayyorlagan nashrning matbaa saviyasi puxta bo‘lib, u kirill alifbosida ham berilgan. Mutaxassislar bahosicha, Mirzo Boburning bu risolasi aro‘z nazariyasiga oid eng mukammal va nodir tadqiqotdir [2,b-92].

Mazmunni anglash – ramziy va timsollar orqali; Saidbek Hasanov asarlarida ramziy ifodaning estetik-falsafiy ahamiyatiga katta e’tibor qaratiladi. U o‘z izlanishlarida mumtoz shoirlarning ramziy ma’no yaratish mahoratini chuqur tahlil qiladi. Masalan, gul, maysalar, sham’, ko‘hna bog‘, sabo kabi timsollar orqali faqat tashqi manzara emas, balki inson ruhiyati, ilohiy mohiyat va hayot falsafasi tasvirlanadi.

Tahliliy parcha (misol: gul ramzi): Bobur she’rlarida «gul» ramzi ko‘p qirralidir: u ham tabiat go‘zalligining literal tasviri, ham ishq-sufiylik metaforasi va ma’naviy uyg‘onish timsoli sifatida ishlatiladi. Hasanovning estetik-falsafiy tahliliga ko‘ra, gul tabloida ko‘rsatilgan tashqi go‘zallik o‘zining ichki sinonimlari – «ko‘ngulning uyg‘onishi», «ruhning sershovqinligi» va «ma’naviy yangilanish» bilan mos tushadi. Shunday qilib,

gul ramzi Boburning lirik sub'ektining ichki kurashi hamda axloqiy izlanishining badiiy manifestiga aylanadi. (Bobur matni misolida bu xususiyatlar aniq ko'rinadi [3, b-163].

Saidbek Hasanovning estetik-falsafiy yondashuvi adabiy matnni tarixiy hujjat sifatida emas, balki ichki estetik idrok hamda falsafiy mushohada manbai sifatida o'rganishni ilgari suradi. Uning fikricha, Bobur she'riyati – inson ruhiyati qatlamlarining badiiy ifodasi bo'lib, unda tashqi tasvir obyekti ichki ma'no bilan uyg'unlashadi. Shu nuqtai nazardan Hasanov «so'z ortidagi so'z» tushunchasini qo'llab, matn yuzasidagi leksika ortida yotgan intuitsiv, ma'naviy qatlamlarni izlashni metodologik muhim vazifa deb hisoblaydi [4, b-113].

"Mumtoz adiblar ramzlar orqali matnga chuqur, ko'p qatlamli ma'no yuklashgan. Bunday timsollar matnni faqat so'zlar bilan emas, sezgi, tafakkur va ichki intuitsiya orqali anglashni talab qiladi" (S. Hasanov).

Saidbek Hasanov tahlilida Bobur ramzlari; Hasanovning «Bobur she'riyati: Estetik-falsafiy tahlil» asarida shoirning she'riy obrazlarida tabiiy va ruhiy olam bir-biriga bog'lanib ketgan. Jumladan, bahor, ko'hna bog', shamol, oy nur, suv sathi kabi obrazlar o'zida ikki dunyo o'rtasidagi bog'liqlikni ifoda etadi. Hasanov bu ramzlarni so'z ortidagi so'z sifatida talqin qiladi [5, b-35].

Talqin qilish – zamonaviy kontekstda falsafiy yondashuv asosida.

Falsafiy yondashuvning asosiy tamoyillari Hasanovning metodologik asoslari quyidagilarga tayanadi.

Matn va zamon muvofiqligi – Matn zamondan ajralmagan. Har bir davr o'z falsafiy-estetik savollari bilan matnga murojaat qiladi.

Estetik tafakkur vositasida talqin – Matnni o'qishda tafsir emas, idrok ustuvor bo'ladi.

Subyektiv o'quvchi pozitsiyasi – O'quvchi faqat matnni emas, o'zini ham o'qiydi. Shu bois talqin har doim dinamik, ochiq va ko'p qatlamli [6, b-76].

Xulosa. Mazkur tadqiqot davomida Saidbek Hasanovning o'zbek mumtoz adabiyotiga, xususan, Zahiriddin Muhammad Bobur ijodiga nisbatan ilgari surgan estetik-falsafiy va matnshunoslik yondashuvlari tahlil qilindi. Hasanov o'z tadqiqotlarida mumtoz adabiyotni faqat tarixiy yodgorlik sifatida emas, balki zamonaviy tafakkur, ma'naviy izlanish va estetik sezgi uchun muhim manba sifatida baholaydi.

Zahiriddin Muhammad Bobur ijodini tahlil etishda professor Saidbek Hasanovning estetik-falsafiy yondashuvi o'zbek adabiyotshunosligida yangi metodologik bosqichni ifodalaydi. U Bobur lirikasini nafaqat tarixiy manba yoki badiiy yodgorlik sifatida, balki inson ruhiyati va ma'naviy dunyosining badiiy ifodasi sifatida talqin etadi. Hasanovning tadqiqotlarida "so'z ortidagi so'z" tushunchasi, ramz va timsollar tizimi orqali matnning ichki qatlamlari ochiladi.

ADABIYOTLAR:

1. Hasanov S. Foriğiy she'rlari. // Sharq yulduzi. – 1983, №4.

2. Hasanov S. Bobur she’riyati: Estetik-falsafiy tahlil. – Toshkent: Fan, 2016.
3. Hasanov S. Boburnoma va estetik tafakkur masalalari. // O‘zbek tili va adabiyoti. – 2020, №2.
4. Hasanov S. Hindiston materiallari // Guli. – 1983, №4.
5. Bobur Zahiriddin Muhammad. Boburnoma. – Toshkent: G’afur G’ulom nashriyoti, 2002.
6. Qo‘chqorov Sh. O‘zbek adabiyoti tarixiy-estetik tafakkur manbai sifatida. – Toshkent: Yozuvchi, 2014.

YASSAWIYA TARIQATI HÁM YASSAWIY IZBASARLARÍ

Hámzeev Á.
Berdaq atındaǵı Qaraqalpaq mámleketlik universiteti, Nókis qalası

Kirisiw. Xoja Axmet Yassawiy (XII ásir) –túrkiy tilles xalıqlardıń orta ásirdegi kórnekli shayırı, oyshılı, islam dúnyasına tanımalı danıshpanı. Ol pútkil ómirin adamdı kámillikke jetkiziwge baǵıshlap, usı maqsette ataqlı «Diywani hikmet» shıǵarmasın jazǵan. Yassawiy–sufizm ádebiyatınıń túrkiy xalıqlar arasındaǵı iri wákili, onıń hikmetleri ádillik, miyrim-shápáát, taqıwalıq, haqıyqatlıq sıyaqlı iygilikli islerge shaqıradı. Ol óziniń ustazı Arıslanbaptan ilahiy ilim úyrenip, sufizm iliminiń tiykarın salǵan. Sufizm iliminiń tiykarǵı maqseti - «tazalıq, ishki ruwxıy páklik», «Haq diydarına jetisiw, oǵan essiz ashıq bolıw». Bul jol Shárıyat, Tariqat, Maǵrifat, Haqıyqat sıyaqlı qaǵıydalar hám basqıshlardan ibarat. Yassawiy iliminiń tiykarǵı mánisi – Jaratqan Allaǵa bolǵan muhabbat, sabır-shıdamlılıq, qánáát hám adamgershilik.

Yassawiy iliminiń tarqalıwı hám izbasarları

Xoja Axmet Yassawiydiń ilimi hám Yassawiya tariqatı Orta Aziya menen Túrkstanda keń tarqalıp, keyinirek Deshti Qıpshaq, Oral, Kavkaz, Anadolı, Balqanǵa shekem jetip bardı. Yassawiy tariqatınıń poeziyalıq usılı Shámsi, Rumiy, Súleyman Baqırǵaniy, Yunus Emre arqalı rawajlanıp, úlken kámillik mektebine aylandı.

1. Súleyman Baqırǵaniy (Hákim ata)

Yassawiy iliminiń eń kórnekli shákirtleriniń biri – Súleyman Baqırǵaniy (Hákim ata). Ol ustazı dúnyadan ótkennen keyin onıń ilimin dawam ettirip, xalıqtı haqıyqat jolına úgit-násiyat etti. Súleyman Baqırǵaniy «Baqırǵan kitabı», «Aqırzaman kitabı», «Bibimáryam» sıyaqlı qunlı miynetler jazǵan. Ol shıǵarmalarında ustazı Yassawiydi ulıǵlap, onıń hikmet dástúriniń forması menen mazmunın sol qálpinde saqlap, suwpılıq jolın úgit-násiyat etti.

2. Yunus Emre

Anadolıdaǵı Yassawiy tariqatınıń eń kórnekli wákili – Yunus Emre (XIII ásir). Onıń suwpılıq filosofiyalıq shıǵarmaları túrik tilinde keń tarqalǵan. Yunus Emre ómiri boyı Axmet Yassawiy tariqatın úgit-násiyat etken tariyxıy tulǵa. Onıń shıǵarmalarınıń tili

hám mazmunı, dástúri Yassawiy mektebiniń dawamshısı ekenin kórsetedi. Yunus Emre Yassawiydiń «Ózińdi tanı» degen pikirin ózine jolbasshı etip alǵan.

3. Basqa izbasarlar

Tariyxta Yassawiydiń ilimin dawam ettiriwshi kóplegen shákirtleri bolǵan, olardıń qatarında: Táptik Ámran, Júnis Ámran, Qul Máshrab, Shámsi, Sayxaliy, Qul Shárip, Shayx Qudaydad, Iqaniy, Qul Ubaydiy, Faqariy Baydawiy, Behbudiy, Qul Nasimiy, Tupayliy, Qasım hám basqalar.

• Muhammed Shaybaniy (1451-1510) –suwpılıq joldı tutqan, «Bahr-ul Xuda» atlı kitap jazǵan hám Axmet Yassawiydi Túrkstannıń piri sıpatında ulıǵlaǵan.

• Ahmad Xaziniy (XVI ásir) –Yassawiy izbasarlarınıń ishindegi eń jetisken nátiyje bergen dóretiwshilerdiń biri. Onıń «Manba ul-abxorfiriy ozil-abror» hám «Javohir ul-abror minamvajil-bihor» miynetleri Yassawiy jolınıń maqseti menen mán-mánisin tolıq tanıtadı. Xaziniy Yassawiydi «Túrkstannıń shayxı, pútkil járiya zikir tariqatı danıshpanlarınıń danıshpanı» dep táriyip legen.

• Suwpı Allayar (XVIII ásir) –Yassawiydi pir tutıp, «Sabat-ul Ájizin» miynetinde oǵan hikmet arnaǵan.

• Maqtımqulı Pıraǵı (1733-1797) – «Qul Qoja Axmet Yassawiy» atlı qosıǵında onı «Qutbul Islam» dep jırlaǵan.

• Qul Ubaydiy – óziniń «Diywan»ında Yassawiydi «Barlıq mashayıq sárdarı», «Hikmet teńiziniń gáwharı» dep táriplegen.

Yassawiy iliminiń qaraqalpaq ádebiyatına tásiri

Xoja Axmet Yassawiy tariyqatınıń tásiri Qaraqalpaq jerine de jetip, ondaǵı shayırlar menen din ǵayratkerleriniń ruwxıy dúnyasına tásir etti. Yassawiydiń «Diywani hikmet»indegi oǵız-qıpshaq tiykarında qáliplesken túrkiy tili qaraqalpaq tiline jaqın bolǵanlıqtan, hikmetleri qaraqalpaq shayırlarına túsinikli hám jaqın boldı. Yassawiy úlgisindegi aruz hám sillabikalıq qosıq ólshemleri hám diniy-filosofiyalıq mazmun qaraqalpaq shayırlarında kórinis taptı. Olarda Yassawiy tariyqatı menen kelip, adamgershilik, táwbe, dúnyanıń jalǵanlıǵı, Allaǵa jaqınlasıw, nápsini tıyıw sıyaqlı temalardı qozǵadı.

1. Ájiniyaz Qosıbay ulı

Qaraqalpaq klassik shayırı Ájiniyaz Qosıba yulı (XIX ásir) ruwxıy miyrası jaǵınan tikkeley Yassawiyge sabaqlas bolıp keledi. Ájiniyaz Maxtumqulı Pıraǵını ustaz sanap, oǵan eliklegende, Maxtumqulı Yassawiydi jol kórsetiwshi shıraǵım dep hikmet arnaydı. Ájiniyaz shıǵarmalarınıń tiykarǵı bóliminde Allaǵa ashıqlıq, diydar kóriw máselesi birinshi orında turadı. Onıń lirikasındaǵı «Janan» (Jannıń iyesi, yaǵnıy Alla) túsinigine ashıqlıq, «jolında qurban bolıw» (nápsini jeńiw, Jaratqandı tanıw) ideyaları klassikalıq suwpılıq lirikasına tán.

2. Berdaq Ǵarǵabay ulı

Berdaq Ǵarǵabay ulı (XIX ásir) - qaraqalpaq ádebiyatındaǵı suwpılıq poeziyanı ruwxıy joqarı dárejege kótere bilgen hám onı bayıtqan klassik shayır. Ol Yassawiy dástúrin

dawam ettirip, shıǵarmalarında iymanlı bolıw, qıyanet jasamaw, xalıqqa xızmet etiw máselelerin birinshi orınǵa qoydı. Berdaq poeziyasında Alla menen adam arasındaǵı ishki sáwbet, táwbe etiw, ádalatqa umtılıw, gúnadan arılıw sıyaqlı suwpılıq poeziyanıń tiykarǵı qaǵiydaları bayqaladı. Yassawiy menen Berdaq eki dáwirde ómir súrsede, shıǵarmalarında ortaq ruwxıy-etikalıq ideyalar menen diniy-filosofiyalıq mazmun birdey bolıp keledi.

Juwmaq. Xoja Axmet Yassawiy túrkiylik musulmanlıq túsinik penen hikmet dástúriniń tiykarın salǵan ullı ustaz. Ol óziniń izbasarları arqalı suwpılıq filosofiyalıq ilimin hám poetikalıq dástúrin urpaqtan-urpaqqa jetkizdi. Yassawiy qaraqalpaq ádebiyatına ruwxıy, poetikalıq hám joqarı adamgershiliktiń tiykarin salsa, onıń izbasarları Súleyman Baqırǵaniy, Ájiniyaz Qosıbay ulı, Berdaq Ǵarǵabay ulı hám basqa da shayırlar sol ilimdi óz xalqınıń tilinde, mádeniyatında qayta jańǵırta bildi. Bul - suwpılıqtıń, túrkiylik ruwxıyattıń ádebiyattaǵı kóp ásirlik dawamınıń ayqın kórinisi.

ÁDEBIYATLAR:

1. Әжинияз. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1975. 48 б.
2. Ахмат Яссавий. Хикматлар китабы. – Ташкент, 1991.
3. Бердақ. Таңламалы шығармалары. – Нөкис, 1993. 66 б.
4. Жәримбетов Қ. Ашық Зийўар. – Нөкис: Билим, 1998.
5. МәмбетовК. Әййемги қарақалпақ әдебияты. – Нөкис, 1976. 43 б.
6. Махдумкули Фирағий. Шеърлар тупламы / Собиратель: Шох Мухаммед Езмез. - Кабул, 1360 х. Б. 54-55.
7. Molla Musa. Molla İsa Seyramî. Tarih-i emniye. – Kazan, 1905. 286 s.
8. Tosun, N. Ahmed Yesevi'nin Menakibi // ILAm Araştırma Dergisi. 1998. C. III, Sayı 1 (Ocak-Haziran). S. 73–81.
9. Yunus Emre. Hayatı ve Açıklamalı Divanı / Rıdvanoğlu. - Konya: Elış Yay., 1999. 453 s.

HÙJJETLI POVESTLERDIŃ JANRLÍQ-STILLIK ÓZGESHELIKLERI

Járimbetova T.Q.

Ózbekstan Respublikası Ilimler Akademiyası Qaraqalpaqstan bólimi Qaraqalpaq gumanitar ilimler ilim-izertlew institutı, Nókis qalası

Qaraqalpaq ádebiyatında hújjetli povestlerdiń óz aldına janrlıq-stillik jaqtan qáliplesiwinde hújjetlerdiń hám waqıyalardıń shıǵarma kompoziciyasında sintezlenip kórkem súwretleniwi menen ózgeshelenedi. Hújjetli povestlerdiń syujetinde tariyxta bolıp ótken elewli waqıyalarda qaharmannıń real tárizde qatnasıwı tiykar etip alınadı. Sonlıqtan, hújjetli povestlerdiń syujetinde hújjetli arxivlerge súyeniw hám kórkemlikten góre rásmiylik ústin boladı. Kórkem-hújjetli povestlerdiń janrlıq-stillik shártleriniń biri – bul dáwir shınlıǵı menen kórkem haqıyqatlıqtı, waqıyalar menen sharayatlardı quramalı emes xarakterlerdi súwretlew bolıp esaplanadı.

Mısalı, jazıwshı S.Bahadırovanıń “Jigirma toǵız jastan eliw jasqa shekem tyurmada…” [Bahadırova S., 2002.] essesinde 1938-jılı 10-noyabrde SSSR Joqarǵı áskeriy sudı Almatı qalasında I.Fazılovtı sudlaydı, ayıbı “Jas Leninshi” gazetası arqalı milliy burjuaziyalıq ideyanı tarqattı, sovet húkimetine qarsı háreket etti” degen jala jabıladı. I.Fazılov ul perzentli bolıp, úyinde tuwǵan-tuwısqanlarına shashıw berip atırǵan waqtında, “sen adamlardı jıynap, sovet húkimetine qarsı ideya tarqatıp atırsań”, dep qamaqqa alıp ketedi. Sol qıyın qıstawlı waqıtta shayır 29 jasta bolsa, qıyın jaǵdaydan shańaraǵına 50 jasında qayta oraladı. “Men I.Fazılov haqqında áńgimelerdi balalıq kúnlerimde anamnan kóp esitken edim. Meniń anam menen Izbasar bir úyde tárbiyalanıp, barlıǵı atalas tuwısqan adamlar eken. Olardıń áyyemnen beri kiyatırǵan ata-babaları haqqında ózleriniń “Shejire” kitabı bolǵan. Sol kitaptı Izbasar saqlaǵan. Ol 1937-jılı qamalǵanda kitaptı jasırıp úlgergen. 1951-jılı tyurmadan shıǵıp kelgende kitaptı jasırıp aǵayinlerine taslap ketken” [Bahadırova S. 2002. – 26], – dep avtor húJjetler tiykarındaǵı maǵlıwmatlardı berip ótedi. Jıllar ótip, jazıwshı ol haqqında ele de tereńirek mazmunda “Izbasar Fazılov haqqında aytqım keledi” [Bahadırova S., 2019.] kórkem-húJjetli povestin dóretedi. Bul shıǵarmanı avtordıń shayır I.Fazılovtıń ómiri hám dóretiwshiligi boyınsha húJjetlerge hám arxiv materiallarına súyenip jazılǵanlıǵın onıń janrlıq-stillik belgileri ayqınlastıradı. Shıǵarmada 1998-jılları S.Bahadırova N.Dáwqaraev atındaǵı til hám ádebiyat institutınıń direktorı bolıp islep atırǵan waqtında I.Fazılovtıń 90 jıllıǵın ótkeriwdi niyet etip, Izbasardıń balası Bekpolattı izlep úyine barıwı, onıń menen sáwbetlesiwleri, ákesinen qalǵan qol jazbaları, húJjetlerdi hám qosıqlardı altınnıń qıyqımınday etip bir chemodanda saqlap qoyǵan jerinen alıp kelgen payıttaǵı jaǵdaylar jan titireterlik faktler menen tásirli súwretleydi. Bul húJjetli shıǵarmadan ata-babalarınıń shejiresin XVIII ásirden atpa-at keltirip, yadtan bilgenligin Bekpolattıń aytıp beriwlerin hám shayırdıń zayıbı Nábiyranıń janlı eske túsiriwleri arqalı tolıq maǵlıwmatlarǵa iye bolamız. Avtor Izbasardıń hayalı Nábiyra menen ushırasıwında 80 jasqa shıqqan apanıń júzinen nur jawıp turıwın, onıń Izbasar Fazılov penen birgelikte ótkergen qısqa waqıt ishinde eń qıyın dáwirlerdi bastan keshirgenligin, jala dóhmetten sońǵı kórgen azapların hám uzaq ayralıq jılların úlken ǵam-qayǵı hám dárt penen aytıp bergenligin tásirli bayanlaydı.

“… Kúnde azannan-keshke tyurmanıń awzında otıradı. Bir kúni “Izbasardı erteń tyurmadan alıp ketedi» degen xabardı esitti. Balasın alıp tyurmaxananıń aldında otırıp aldı. Tústen keyin tyurmaxananıń temir dárwazası ashıldı. Ishinen ústi bastırıwlı mashina shıqtı. Ishinde Izbasar bar. Nábiyra balasın kóteriwi menen mashina menen jarısa juwırdı. – Izbasar, bizler amanbız, mine balań Bekpolat! –dedi. Basqa sóz awzına túspepti. Ol sap-sarı bolıp ketken eken. Nábiyraǵa, balasına qaramadı da, biytanıs adamday uzaq mánzilge kóz tigiwi menen ketti. Nábiyra balasın qushaqlap jılawı menen joldıń ortasında qala bergen” [Bahadırova S., 2019. –41]. Avtordıń bul esse shıǵarmasında qaharmannıń turmısınıń jámiyetlik áhmiyetli táreplerin, ruwxıy keshirmelerin, ishki sezimlerin, hár túrli psixologiyalıq jaǵdayların húJjetler negizinde isenimli ashıp beriwge baǵdarlanǵan. Usı tárepinen alıp qaraǵanda húJjetl ishıǵarmalardıń janrlıq-stillik múmkinshiliklerиniń

oǵada keń ekenligi ayqınlasadı. Kórkem-húJjetli shıǵarmalarda tariyxıy haqıyqatlıqtı qayta tiklep, elewli tariyxıy waqıyalardıń tolıq kartinasın jaratıwda, onıń húJjetlerde óz kórinisin tappaǵan tárepleri tuwralı da maǵlıwmatlar berip barıladı. Ádette, kórkem-húJjetli povestlerde waqıya yaki qaharman haqqında dárekler, faktler dálliginiń súwretleniw usıllarınıń beriliwi onıń janrlıq-stillik ózgeshligin belgileydi. Qaraqalpaq xalqı tariyxında óshpes iz qaldırǵan, millet ádebiyatı, mádeniyatı, kórkem óneriniń hám basqa da tarawlardıń rawajlanıwında haq kewli menen miynet etken dáslepki ziyalılar, jámiyetlik iskerler, jazıwshılar, shayırlardıń xızmetleri, sonıń menen birge, turmıs tosqınlıqların márdana jeńip, xalqı ushın janın pidá etken belgili tulǵalardıń ómiri tuwralı arxiv maǵlıwmatlarına súyeniwi hám waqıyalardıń tartımlı, sheber súwretleniwi húJjetli povestlerdiń janrlıq kóp túrliligin kórsetedi.

Jazıwshı S.Bahadırovanıń “Qanatınan qayırılǵan suńqar” [Bahadırova S., 2007] húJjetli povestinde de qaraqalpaq ádebiyattanıw iliminde belgili ornına iye hám qaraqalpaq ádebiyatı tariyxı boyınsha birinshilerden bolıp doktorlıq dissertaciyasın jaqlap shıqqan alım hám jazıwshı Nájim Dáwqaraevtıń milliy ádebiyatımızdıń rawajlanıwına óz úlesin qosıwı, ruwxıy ǵáziynemizge bolǵan sadıqlıǵı, pidayı is-háreketleri, jeke turmısında júz bergen qıyınshılıqları, jala-dóhmetke ushırawı, ulıwma insanıylıq, etikalıq hám morallıq pazıyletleri sáwlelengen. Sóz etilip atırǵan povest húJjetli materiallarǵa bay bolıw menen birge ondaǵı qaharmanlardıń kópshiligi derlik tariyxta jasaǵan adamlar. Jazıwshı alım N.Dáwqaraev penen zamanlas bolǵan adamlardıń ómir jolların, is-háreketlerin, ishki dúnyasın, psixologiyasın júrek sezimlerinen, kórkem estetikalıq oy eleginen ótkerip, poetikalıq obraz halında oqıwshıǵa usınadı. Povesttiń baslı orayında ádebiyatımızda tereń iz qaldırǵan Nájim Dáwqaraevtıń kórkem ádebiy obrazı turadı. Jazıwshı tárepinen onıń jan dúnyasınıń gózzallıǵı, hadallıǵı, dúnyatanımınıń keńligi, insanıylıq pazıyletleri, iláhiy dóretiwshilik dúnyasına bolǵan umtılısları, jala bálesine túsip qalǵan jaǵdayları, qıyınshılıqları, shańaraqta tutqan ornı sheberlik penen súwretlengen. Demek, bul húJjetli povestte N.Dáwqaraevtıń hám ilimpaz, hám ómirlik joldas, hám áke sıpatındaǵı jarqın kelbeti ashıp beriledi.

Povestte ilimpazdıń ishki ruwxıy dúnyasın ashıp beriwde avtor tárepinen tásirli poetikalıq bayanlawlar qollanılǵan. Máselen, povest qaharmanı Nájim “Ásirler boyı dástúrin joǵaltpay, ata-mákanın saqlap, hesh kim menen urıspay, paraxat jasawdan basqa ómirdi bilmeytuǵın bul miynetkesh xalqımnıń eskiden kiyatırǵan mádeniyatın, ádebiyatın tolıq izertlep dúnyaǵa tanıtıw meniń hám parızım hám qarızım, dedi ishinen” [Bahadırova S., 2007. –13-14]. Mine, bul ilim jolına shın kewilden berilgen, pidá bolǵan haqıyqıy jankúyerdiń tábiyatı. Ilim izertlewshiniń ilimdi ózgeshe qabıllawı, patriotlıǵı, oǵan qıyanet etpewi, tereń súyispenshiligi keltirilgen qatarlar tábiyǵıy halında súwretlengen. Avtor bul haqıyqatlıqtı tereń túsinip, ilimpazdıń ishki dúnyasın milliy ádebiyatımızǵa bolǵan ózgeshe qatnası arqalı ashıp beredi.

S.Bahadırova “Sovetskaya Karakalpakiya” gazetasında N.Dáwqaraev haqqında I.Efimovtıń avtorlıǵındaǵı «Broshyura soderjashaya ideologicheskie izvrasheniya!»

atlı maqalasında onıń jazǵanları ideologiyalıq jaqtan burmalanǵanı, usı bir maqala onıń dóhmet bálesine túsiwine sebepshi bolıwı, sol dáwirdegi siyasattıń kúshli tásiri ekenligin sáwlelendiriwi húJJetli povesttiń mazmunı menen stiline sáykes keledi. Bul maqaladan soń N.Dáwqaraev ushın barlıq esikler jabıladı. Belgili ilimpaz Qallı Ayımbetov "Nájim hesh qanday burjuaziyalıq-milletshil emes", dep jıynalıslarda qorǵaǵanı menen partiya onı turpayı qátelerin moyınlamaǵanı ushın Sovetler Soyuzı Kommunistler partiyasınıń qatarınan shıǵarılsın, degen qararǵa keledi. Sonday jaǵdayda da alım elim-xalqım ushın islegen xızmetim hám haqıyqatlıq álbette, bir kúni júzege shıǵadı, dep isenedi. Usı orında avtor usınday awır jaǵdaylarda da onıń aqıl-parasatın, shıdamlılıǵın, joqarı insanıylıq pazıyletlerin, ádebiyatımız ushın jankúyerlik etiwlerin kóz aldımızǵa gewdelendiredi. Ádebiyatshı P.Nurjanov bul povesttiń faktlerge tiykarlanıp jazılǵanı menen onıń janrlıq-stillik mazmunınıń kórkemleniwi jeterli dárejede emesligi haqqında óz pikirin bılayınsha atap ótedi: "Povestte jazıwshı S.Bahadırova N.Dáwqaraevtıń pikirleriniń durıslıǵın dálillewshi ilimiy pikirlerdiń mazmunın hám oǵan qarama-qarsı bolǵan Efimov, Savickiy, Nárenov sıyaqlılardıń maqalalarınıń qáte hám jalaǵa qurılǵanlıǵın, jıynalıslardıń nadurıs ótkergenligin sıpatlawshı faktlerdi kóplep paydalanǵan. Biraq, bizińshe, bular kópshilik jaǵdayda jadaǵay avtorlıq bayanlawlar, tásiri kem publicistikalıq stil arqalı berilgenlikten, olar kópshiliktiń dıqqatın onday tarta bermeydi. Bunıń ústine taǵı bir eskertip ótetuǵın jaǵday sonnan ibarat, biziń baqlawımızsha, ataqlı alımnıń súyikli shákirtlerine, olardıń Nájimge degen súyispenshiligine povestte jetkilikli dárejede orın ajıratılmaǵanday" [Нуржанов П., 2023. – 89]. Ádebiyatshı P.Nurjanovtıń pikiri menen qosılıwǵa boladı, óytkeni, sol jıynalıs payıtındaǵı jalaǵa túsken jaǵdaylardı shákirtleriniń de pikirleri menen bergende, shıǵarmanıń mazmunı asıp, stillik ózgesheligi kóringen bolar edi. Mısalı, avtor J.Ábdireymov "Ullı alım, jazıwshı, ustaz" [Әбдиреймов Ж., 2005.] ocherkinde alımnıń jala dóhmetke túsken jaǵdayların onıń sózleri menen kórsetedi. Pedagogikalıq instituttıń úlken májilisler zalında studentlerge lekciya oqıp turǵan payıtın Tashkentten kelgen ataqlı húJJetli filmler dóretiwshisi Malik Qayumovtıń kinoǵa túsiriwi hám kinoteatr ekranlarında kórsetiliwi sol waqıtaǵı áhmiyetli waqıyalardıń birine aynalǵanın bayanlaydı. "Ásirese, bizler júdá quwanıshlı edik, óytkeni usı kino jurnalda sáwlelengen edik. Kewilli kúnlerden soń jaǵımsız hádiyseler júz berdi. Ózbekstannıń, Qaraqalpaqstannıń gazetaları menen jurnalında ullı Berdaqtıń ózin hám dóretpelerin, "Alpamıs" dástanın, bular arqalı xalqımızdıń ádebiyatın, mádeniyatın qaralaytuǵın maqalalar shıǵa basladı. Ósek hám jalaǵa qurılǵan maqalalardı oqıp shıǵıp, hámmesiniń uwlı ushı N.Dáwqaraevqa qaratılǵanın ańlap, júreklerimiz záhár sepkendey ashıytuǵın edi, biraq qoldan keletuǵın ilajımız joq. Nájim aǵa bizlerge sabaq beriwin dawam etti, dógereginde kóterilgen daw, jánjeller háwij alsa da begligin joyıtqan joq, sonda da bizlerge onsha ósik emes siyreksip qalǵan shashları burıńǵı ǵa qaraǵanda júdá aǵarıp ketkendey túyiletuǵın edi. Bir kúni ol sabaq payıtında shıǵıp atırǵan maqalalar jóninde sorap, bizlerdiń pikirimizdi bilgisi keldi. Maqalalardı oqıp atırǵanımızdı, hámmesiniń jalǵan ekenligin, oy-pikirimizdi aljastıra almaytuǵınlıǵın ayttıq. Oylanǵan pishinde otırǵan ol: «bul da quyınǵa megzes ótkinshi

qubılıs. Qısqa bolǵan menen quyınnıń dúbeleyi de tábiyattı búldirip ketedi, qańbaqlar menen qosıla hawaǵa kóterilgen salmaqlı zatlardı da ushırıp áketip, alıslarǵa aparıp taslap bolıp basıladı" [Әбдиреймов Ж., 2005. – 118-119]. Alımnıń filosofiyalıq mánige iye pikirleri, tóreligi, sabırlılıǵı shákirtiniń tilinen bayanlanıp, bársheniń bası birikse, jalada insannıń dimarın qurtatuǵının aytıp, óziniń dóhmetke túsip atırǵanın bilsek boladı. Avtor óziniń student dáwirinde ustazınıń joqarıda bildirgen pikirin jetkerip, jala alımdı alasapıranlı dáwirde qıyın jaǵdayǵa giriptar etkenin, bul kúnler ótip ketse de, adamnıń den sawlıǵın mayırıp ketiwin aytadı. Bul orında N.Dáwqaraevtıń jala bálesine túsken kórinisler shákirtleriniń ápiwayı studentlik kúnine nalınıp, faktlerdiń usınday taqılette beriliwi shıǵarmanıń janrlıq-stillik mazmunın asırǵan.

Avtor shańaraqtaǵı músiybet hayal adam ushın awır halat bolatuǵının qaharmannıń anası Ulxan apa hám ómirlik joldası Valifanıń muńlı halattaǵı obrazı arqalı sheber súwretley alǵan. Mısalı, " – Balam, – dedi qamsıǵıp Ulxan apa, sóziniń izin ayta almay eńirep jiberdi. Ol «balam, seniń izińde men jılamaǵayman, seniń topıraǵıń maǵan buyırǵay» dep aytpaqshı edi, oǵan awzı barmadı" [Баҳадырова С., 2007. – 33].

Ananıń óz perzenti, azamatı ushın shekken hásireti, uyqısız túnleri oqıwshılarǵa ayrıqsha ruwxıy qozǵaw saladı, mehriybanlıq hám oyshańlıq sezimlerdi payda etip otıradı. Kórip ótkenimizdey, ananıń bul sózleri hám oyları arqalı ádebiy qaharman N.Dáwqaraevtıń qıyın hám quramalı keshken ómiri poetikalıq til menen berilip, ómir waqıyaların sáwlelendiriwde ótkir detallar tańlanıp, syujet kompoziciyasına engizilgen. Sonday-aq, alımnıń qazaq hám qaraqalpaq eliniń biyik tulǵaları M.Áwezov, Q.Ayımbetov, M.Nurmuhamedovlar menen bolıp ótken sáwbetleri, birge islegen waqıtları, qıyın jaǵdaylarda onı qollap-quwatlawları, páyik bolıp júriwleri, olar arasındaǵı doslıq, tatıwlıq, sıylasıq, sadıqlıq sezimleri konkretlestirilip beriledi. Ápiwayılastırıp aytatuǵın bolsaq, jazıwshı alımnıń ómir waqıyaların obektiv túrde keń etip dizip berip otırmaydı, al, olardı qaharmannıń júreginen, onıń oy-sezimlerinen ótkerip, emocionallıqtı kúsheytip, zárúrli syujetlik detallardı saylap berip baradı. Jánede, qaharmannıń patriotlıq sezimlerge tolı sózleri arqalı realizm menen haqıyqatshılıq principlerin arttırıp hám jetilistirip tábiyǵıy túrde oqıwshılarǵa jetkerip bere alǵan.

Ulıwma aytqanda, qálegen húJjetli shıǵarmada jazıwshı stili úlken áhmiyetke iye bolıw menen birge súwretlenip atırǵan waqıyalar isenimli faktlerge hám kórkemlikke qurılıwı talap etiledi. Tariyxta jasap ótken ullı tulǵalardıń ómiri hám atqarǵan xızmetleri tariyx betlerinde mórlense de, húJjetlerge jazılmaytuǵın is-háreketleri, minez-qulqı, adamlar menen qarım-qatnası, yaǵnıy, mártligi, miynetkeshligi, watan súyiwshiligi jazıwshılar tárepinen kórkemlep jetkerilip beriliwi úlken áhmiyetke iye esaplanadı.

ÁDEBIYATLAR:

1. Баҳадырова С. Жигирма тоғыз жастан елиў жасқа шекем тюрьмада // Әмиўдәрья. – Нөкис, 2002. – №2.

2. Баҳадырова С. Избасар Фазылов ҳаққында айтқым келеди // Әмиўдәрья. – Нөкис, 2019. – №2.
3. Баҳадырова С. Қанатынан қайырылған суңқар // Әмиўдәрья. – Нөкис, 2007. – №2-3.
4. Нуржанов П. Әдебият ҳаққында ойлар. – Нөкис: Билим, 2023. – Б. 89.
5. Әбдиреймов Ж. Уллы алым, жазыўшы, устаз // Әмиўдәрья. –Нөкис, 2005. – № 4.

ҚАРАҚАЛПАҚ БАЛАЛАР ПРОЗАСЫНДА ТӘБИЯТ ҲӘМ ЭКОЛОГИЯ ТЕМАСЫ
(Х.Сапаров гүрриңлери мысалында)

Мамбетниязова М.
Өзбекстан Республикасы Илимлер академиясы Қарақалпақстан бөлими Қарақалпақ гуманитар илимлер илим изертлеў институты, Нөкис қаласы

тәбияттың ажыралмас бөлеги. Тәбият – инсанның дөретиўшилик илҳамын оятыўшы руўхый күш дәреги. Әдебият тарийхында тәбият образы арқалы инсанның ишки дүньясы, руўхый жағдайы ҳәм жәмийет пенен байланысы ашып бериледи. Әсиресе, балалар әдебиятында тәбият темасы – жас оқыўшыны өзи өскен орталығын сүйиўге, тәбиятты қәстерлеўге, экологиялық мәдениятын қәлиплестириўге үйретеди [Жумашва Г. Қурбанов Б. 2005-ж. №5/6].

Ғәрезсизлик дәўиринде қарақалпақ балалар прозасында тәбият ҳәм экология мәселелери жаңаша мазмунда сүўретленди. Ә.Атажанов, Я.Әжимов, К.Ерназаров, Б.Ерназаров, Х.Сапаров сыяқлы балалар жазыўшылары өз шығармаларында тәбият қубылысларын, қуслар ҳәм ҳайўанлардың турмысын, сондай-ақ, инсан ҳәм тәбият арасындағы байланысларды бала психологиясына сай, көркем ҳәм түсиникли тилде берди.Олардың арасында Халмурат Сапаровтың балаларға арналған гүрриңлери айрықша орын ийелейди. Оның «Кийиклер»,»Тайыншақ»,»Қаўынның ширеси» сыяқлы топламына кирген шығармаларында экологиялық ой, тәбиятқа меҳир менен қараў сезими басым. Автор пейзаж сүўретлери арқалы тәбияттың гөззаллығын көрсетип, балаларды көз қарашығындай қорғай билиўге шақырады.

Белгили илимпаз Л.Н.Елисеева көркем шығарманың балалар тәрбиясындағы ролин атап өтип:»Көркем шығарманың дәл поэтикалық қатарлары баланың сезиў ҳәм қыял етиў, пикирлеў қәбилетлерин, руўхый ҳәм ақылый қәсийетлерин раўажландырады, оны қоршаған затларды үйрениўде анық түсиник пайда етеди»–деген пикирлерди билдиреди [Елисеева Л. Н., 1972.–3.]. Х.Сапаров та өз гүрриңлериндетәбият ҳәм бала психологиясын бирлестирип сүўретлеў арқалы балаларды ана-тәбиятқа муҳаббатын оятыўға тырысады. Мәселен, жазыўшының «Қурқылтайдың уясы» гүрриңинде тәбият көриниси менен бала жан дүньясының нәзик байланысы шебер сүўретленген...

«Бәҳәр күнлериниң бири еди. Ҳаўа ашық. Көк жүзинде алақандай булт жоқ... «Абат жап» ылай суўға толып таўланып ағып тур» [Сапаров Х., 2017. – Б.89.].

Бул кирисиў баланы бирден тәбияттың гөззаллығына жетеклейди. Жазыўшы дәслеп аўыл турмысының жанлы картинасын - тереклер, гүллер, дәрья көринисин көз алдымызға келтиреди. Бул арқалы шығарма тәбиятқа меҳир оятады.

Сюжет линиясы еки баланың терек басындағы қурқылтайдың уясын алмақшы болыўы менен шийеленеди. Сол жерде қаҳарман балаларға ақыл береди:

